

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

51-сон
(863)
2018 йил
24 декабрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

969. «Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар томонидан қўшма аксилтеррор ўқув машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Битимни (Душанбе, 2008 йил 28 август) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 декабрдаги ЎРҚ–504-сон Қонуни
970. «Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги Шартномани (Тошкент, 2018 йил 17 август) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 декабрдаги ЎРҚ–505-сон Қонуни
971. «Қишлоқ хўжалигида экин майдонларидан самарали фойдаланиш механизми такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 21 декабрдаги ЎРҚ–506-сон Қонуни

972. «Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 декабрдаги ўРҚ–507-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

973. «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 декабрдаги ПФ–5600-сон Фармони
974. «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ–4063-сон қарори
975. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 4 сентябрдаги ПҚ–3928-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ–4064-сон қарори
976. «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ–4067-сон қарори
977. «Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ–4068-сон қарори
978. «Экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 декабрдаги ПҚ–4069-сон қарори [Кўчирма]

Учинчи бўлим

979. «Суриштирув, дастлабки тергов органлари ёки судга узрсиз сабабларга кўра келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича топшириқларни ижро этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 декабрдаги 1024-сон қарори

Бешинчи бўлим

980. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2018 йил

- 14 ноябрдаги 145, 45-сон «Аудиторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қондаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 15 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3101*)
981. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2018 йил 29 ноябрдаги 26-мх-сон «Спорт турлари бўйича ягона спорт таснифи тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 18 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2921-1*)
982. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2018 йил 29 ноябрдаги 27-мх-сон «Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш, уларни спорт турлари реестрига киритиш ҳамда ушбу реестрни юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 18 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2923-1*)
983. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 13 декабрдаги 01-02/16-72-сон «Божхона расмийлаштирувини амалга оширишда мажбурий тартибда божхона экспертisasi ўтказиладиган товарлар рўйхатини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 18 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2787-1*)
984. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2018 йил 16 ноябрдаги 54-сон «Табийий сув ҳавзалари маҳсулдорлигини оширишда балиқлантириш меъёрлари ва технологиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 20 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3103*)
985. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг 2018 йил 10 декабрдаги 442-сон «Республика илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий фаолиятни конструктор-технологик таъминлаш, илмий лаборатория ускуналарига хизмат кўрсатиш вазифалари юклатилган муҳандис-техник ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3104*)
986. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 14 ноябрдаги 144-сон «Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Ад-*

лия вазирлиги томонидан 2018 йил 21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3105)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 15 декабрдан 21 декабргача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

969 **Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар томонидан қўшма аксилтеррор ўқув машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Битимни (Душанбе, 2008 йил 28 август) ратификация қилиш ҳақида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2018 йил 6 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 13 декабрда
маъқулланган

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар томонидан қўшма аксилтеррор ўқув машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Битим (Душанбе, 2008 йил 28 август) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 18 декабрь,
ЎРҚ-504-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 19 декабрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

970 Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги Шартномани (Тошкент, 2018 йил 17 август) ратификация қилиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2018 йил 30 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 13 декабрда
маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги Шартнома (Тошкент, 2018 йил 17 август) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 18 декабрь,
ЎРҚ-505-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 19 декабрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

971 Қишлоқ хўжалигида экин майдонларидан самарали фойдаланиш механизми такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2018 йил 30 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 13 декабрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида**»ги 915–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–350-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 96-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда, № 10, 674-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) 11-модда биринчи қисмининг ўнинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«тегишли ҳудудда қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг ижро этилиши, шу жумладан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши, коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш сифати, иморатлар қуриш ҳамда ховлилар ва уйлар атрофидаги ҳудудларни сақлаш қондаларига риоя этилиши, шунингдек экин майдонларидан самарали фойдаланилиши ва ерларни муҳофаза қилиш устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади»;

2) 13-модданинг учинчи қисми:

ўн тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«деҳқон, фермер хўжаликларининг ва томорқа ер эгаларининг фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашади»;

қуйидаги мазмундаги **йигирма учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«тегишли ҳудудда барча деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкалари кесимида етиштириладиган маҳсулотнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида қарор қабул қилади»;

йигирма учинчи — йигирма тўртинчи хатбошилари тегишинча **йигирма тўртинчи — йигирма бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 598–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахбо-

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 22 декабрда эълон қилинган.

ротномаси, 1998 йил, № 5-6, 82-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 432-модда) **55-моддаси биринчи қисмининг биринчи жумласи** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Оилали ва қишлоқ жойларда камида уч йил мобайнида яшаб турган фуқароларга, шунингдек туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман (шаҳар) кенгашининг биргаликда берилган тавсиясига эга бўлган ёш фуқароларга деҳқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга ер участкаси суғориладиган ерларда 0,35 гектаргача ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 0,5 гектаргача ўлчамда, чўл ва сахро минтақасида эса суғорилмайдиган яйловлардан 1 гектаргача ўлчамда берилди».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «**Фермер хўжалиги тўғрисида**»ги 602–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган 662–II-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 162-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 9, 248-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2018 йил, № 4, 224-модда) **11-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Фермер хўжалиги юритиш учун ер участкасини олишда фермер хўжалиги ташкил этилаётган жойда яшовчи шахслар бошқа тенг шартларда устун ҳуқуқдан фойдаланади».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «**Деҳқон хўжалиги тўғрисида**»ги 604–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 88-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 5, 89-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 12, 472-модда; 2010 йил, № 9, 334-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда) қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) **1-модданинг биринчи қисмидаги** «томорқа» деган сўз чиқариб ташлансин;

2) **8-модда:**

биринчи қисмининг биринчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Оилали ва қишлоқ жойларда камида уч йил мобайнида яшаб турган фуқароларга, шунингдек туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман (шаҳар) кенгашининг биргаликда берилган тавсиясига эга бўлган ёш фуқароларга деҳқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга ер участкаси суғориладиган ерларда 0,35 гектаргача ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 0,5 гектаргача ўлчамда, чўл ва саҳро минтақасида эса суғорилмайдиган яйловлардан 1 гектаргача ўлчамда берилади»;

учинчи қисмидаги «томорқа» деган сўз чиқариб ташлансин;

бешинчи қисмидаги «Томорқа» деган сўз чиқариб ташлансин;

3) **9-модданинг:**

иккинчи қисмидаги «томорқа» деган сўз чиқариб ташлансин;

учинчи қисмидаги «томорқа» деган сўз чиқариб ташлансин;

тўртинчи қисмидаги «Томорқа» деган сўз чиқариб ташлансин;

бешинчи қисмидаги «томорқа» деган сўз чиқариб ташлансин;

4) **10-модданинг:**

номидаги «Томорқа» деган сўз чиқариб ташлансин;

матнидаги «томорқа» деган сўз чиқариб ташлансин;

5) **12-модда:**

биринчи қисмининг:

иккинчи хатбошисидаги «томорқа» деган сўз чиқариб ташлансин;

саккизинчи хатбошисидаги «томорқа» деган сўз чиқариб ташлансин;

иккинчи қисмининг:

иккинчи хатбошисидаги «томорқа» деган сўз чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбошисидаги «томорқа» деган сўз чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбошисидаги «томорқа» деган сўз чиқариб ташлансин;

6) **27-модданинг:**

учинчи хатбошисидаги «томорқа» деган сўз чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбошисидаги «томорқа» деган сўз чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбошисидаги «томорқа» деган сўз чиқариб ташлансин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги 69–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майда қабул қилинган ЎРҚ–328-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 5, 133-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 384, 385-моддалар) **25-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

иккинчи қисмидаги «томорқа» деган сўз чиқариб ташлансин;

учинчи қисмидаги «Томорқа» деган сўз чиқариб ташлансин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажли-

си палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334, 335, 336, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 248-модда, № 12/2, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106-модда, № 9/1, 238-модда, № 12, 334, 336-моддалар; 2013 йил, № 10, 263-модда, № 12, 349-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452, 454-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 384, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772, 773-моддалар; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 431, 433-моддалар, № 10, 676-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **329-модданинг 35-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«35) Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари — фермер, деҳқон хўжаликларининг ва томорқа ер эгаларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар юзасидан, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан қилинган шикоятлар юзасидан»;

2) **330-модданинг 29-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«29) Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари — фермер, деҳқон хўжаликларининг ва томорқа ер эгаларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар юзасидан, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан қилинган шикоятлар юзасидан».

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

8-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 21 декабрь,
ЎРҚ—506-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

972 Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2018 йил 7 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 13 декабрда
маъқулланган

1-модда. 26 январь Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари ходимлари куни этиб белгилансин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 22 декабрь,
ЎРҚ-507-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 24 декабрда эълон қилинган.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

973 Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик базаси шакллантирилди, маъмурий функцияларни номарказлаштириш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарининг маъмурий кенгашлари (кейинги ўринларда — маъмурий кенгашлар) ваколатларини кенгайтириш орқали уларнинг фаолиятини бошқариш механизми соддалаштирилди.

Шу билан бирга, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш амалиётини ўрганиш уларнинг самарали фаолият юритишига тўсқинлик қилувчи тизимли муаммолар ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, маъмурий кенгашлар ва эркин иқтисодий зоналар дирекциялари фаолиятининг етарлича самарали эмаслиги, шунингдек, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасининг суст ривожланганлиги инвестиция лойиҳаларини жадал амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда ва эркин иқтисодий зоналарнинг салоҳиятли инвесторлар учун жозибадорлигини пасайтирмоқда.

Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштиришда давлат бошқаруви органлари функцияларининг такрорланиши инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал қилишнинг кечикишига олиб келмоқда.

Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада соддалаштириш, инвестициялар жалб қилиш учун шароитларни яхшилаш, инвестиция лойиҳаларини жадал амалга оширишни таъминлаш, шу асосда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида:

1. Белгилансинки:

инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер майдонлари ажратиш, туман (шаҳар) ҳокимининг ер майдонларини ажратиш тўғрисидаги алоҳида қарорисиз, маъмурий кенгашларнинг инвестиция лойиҳаларини танлаш ва амалга ошириш учун эркин иқтисодий зоналар ҳудудида жойлаштириш тўғрисидаги баённомалари билан расмийлаштирилади;

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 21 декабрда эълон қилинган.

эркин иқтисодий зоналар ҳудудида инвестиция лойиҳаларини жойлаштиришнинг шарти сифатида фаолият бошланганидан кейин иккинчи молиявий йили якунларига кўра икки йил давомида йиллик ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 25 фоизидан кам бўлмаган, кейинги йилларда 50 фоиздан кам бўлмаган миқдорда экспорт қилиш белгиланади. Мазкур шартлар бажарилмаган тақдирда, тадбиркорлик субъектининг эркин иқтисодий зонаси иштирокчиси мақоми ҳамда аввал тақдим этилган имтиёзлар бекор қилинади;

эркин иқтисодий зоналар ҳудудида инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича маъмурий кенгашлар томонидан қарорлар бизнес-режалар ва техник-иқтисодий асосларга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» (кейинги ўринларда — Марказ) ДУКнинг ижобий хулосаси мавжуд бўлган тақдирда қабул қилинади;

Марказнинг амалга оширилаётган лойиҳалар бизнес-режалари ёки уларнинг техник-иқтисодий асосномалари бўйича хулосалар бериш муддатлари йигирма календарь кунидан ошмаслиги лозим;

маъмурий кенгашлар томонидан ишлаб чиқариш лойиҳаларини эркин иқтисодий зоналар ҳудудида жойлаштириш бўйича инвестиция буюртномаларини кўриб чиқиш муддати Марказ томонидан хулоса бериш жараёни билан бирга ўттиз календарь кунидан ошмаслиги лозим;

эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари томонидан божхона имтиёзлари қўлланган ҳолда импорт қилинган товарларнинг божхона расмийлаштируви товарлар рўйхатини ҳар томонлама экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича Марказнинг ижобий хулосаси мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади;

товарлар рўйхатини ҳар томонлама экспертизадан ўтказиш бўйича Марказнинг хулоса бериш муддати ўн беш календарь кунидан ошмаслиги лозим;

эркин иқтисодий зоналар қатнашчиларига берилган имтиёзлар фақат эркин иқтисодий зоналар ҳудудида ишлаб чиқарилган маҳсулотларга татбиқ этилади;

эркин иқтисодий зоналарнинг бош режалари маъмурий кенгашлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда тасдиқланади;

эркин иқтисодий зоналар дирекцияларининг директорларини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш маъмурий кенгашлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳар чоракда дирекция раҳбарларининг маъқулланган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши бўйича ҳисоботларини эшитади.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда «Навоий» эркин иқтисодий зонаси фаолиятини энг яхши жаҳон тажрибасига асосланган ҳолда такомиллаштириш бўйича кўйидагиларни назарда тутовчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини киритсин:

«Навоий» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси» ДУКнинг ташкилий-

хуқуқий шаклини акциядорлик жамиятига ўзгартириб, унинг балансига «Навоий» эркин иқтисодий зонаси ҳудудидаги муҳандислик-коммуникация тармоқлари объектларини давлат улуши сифатида, шунингдек, «Навоий» эркин иқтисодий зонасининг барча ер майдонларини доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериш;

«Навоий» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси томонидан эркин иқтисодий зона иштирокчиларига, шу жумладан, маркетинг, консалтинг, логистика, коммунал-маиший, меҳмонхона, таълим, суғурта ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш;

«Навоий» эркин иқтисодий зонаси ҳудудида соддалаштирилган виза режими ва ходимларни, шу жумладан, чет эл фуқароларини ишга ёллаш тартибини жорий қилиш;

эркин иқтисодий зона қатнашчилари учун лицензия ва рухсатнома олишнинг соддалаштирилган тартибини жорий қилиш. Бунда «Навоий» эркин иқтисодий зонаси дирекциясига қатнашчини кузатиш ва талабгорнинг малага талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш ваколати берилди;

«Навоий» эркин иқтисодий зонаси иштирокчиси лойиҳаларни жойлаштириш шартларини бажармаган тақдирда у билан тузилган шартномани фақатгина суд тартибида бекор қилиш тартибини ўрнатиш;

«Навоий» эркин иқтисодий зонаси ҳудудида чет эл фуқаролари учун қулай яшаш ва меҳнат шароитларини яратиш.

3. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасига: инвестицияларни, шу жумладан, хорижий инвестицияларни эркин иқтисодий зоналар ҳудудига жалб қилиш;

эркин иқтисодий зоналар ҳудудида инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш;

эркин иқтисодий зоналар ҳудудида инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ишга туширишга тўсқинлик қилаётган сабабларни аниқлаб, юзага келаятган муаммоларни ҳал этиш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш чораларини кўрган ҳолда, лойиҳаларнинг бажарилиши ва иштирокчилар фаолияти самарадорлиги устидан доимий мониторинг олиб бориш;

б) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига:

инвесторларни жалб қилиш мақсадида эркин иқтисодий зоналар ҳудудида зарур шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан, муҳандислик-транспорт инфратузилмаси, ижтимоий-маиший ва маданий-жамоатчилик объектлар билан таъминланганлик даражасини яхшилаш;

эркин иқтисодий зоналарнинг ихтисослашуви ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ролини белгилаш ва шу асосда лойиҳаларни танлаб олишнинг аниқ мезонларини, берилаятган имтиёзлар ҳамда давлат қўмагининг бошқа шакллари белгилаш;

в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

маъмурий кенгашлар ва эркин иқтисодий зоналар дирекциялари фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш;

эркин иқтисодий зоналар ҳудудида лойиҳаларни амалга оширувчи ин-

весторлар учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш, улар ишлаб чиқарётган маҳсулотни экспортга етказиб беришни кўпайтириш мақсадида қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасидан белгиланган тартибда таклифлар киритиш;

эркин иқтисодий зоналар дирекциялари фаолияти устидан таъсирчан назорат ўрнатиш, вазирликлар, идоралар, хўжалик бошқаруви органларига ҳамда эркин иқтисодий зоналар дирекциялари зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларнинг бажарилишини таъминламаган раҳбарларга нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш тўғрисида таклифлар киритиш;

эркин иқтисодий зоналарнинг иштирокчиси мақомини тўхтатиш ёки бекор қилиш, маъмурий кенгашлар, эркин иқтисодий зоналар дирекциялари ёки бошқа органлар ва ташкилотларнинг инвесторлар томонидан ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармагани тўғрисидаги тақдимномалари асосида маъмурий кенгашларнинг хўжалик юритувчи субъектларни эркин иқтисодий зоналар ҳудудида жойлаштириш бўйича қарорларини бекор қилиш;

г) Иқтисодиёт соҳаларини ривожлантириш, инвестиция ва ташқи савдо сиёсатини амалга ошириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси бўлинмаларига:

эркин иқтисодий зоналарнинг ривожланиши ва фаолият кўрсатиши, уларнинг ҳудудларида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш юзасидан вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалий ёрдам кўрсатиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли бўлинмалари раҳбарларининг, шунингдек, Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари биринчи раҳбарларининг мазкур Фармонда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан ҳисоботларини ҳар чоракда эшитиш бўйича жавобгарлик юклансин.

4. Эркин иқтисодий зоналар дирекцияларига ўз ҳудудларининг бош режалари ва архитектура-режалаштириш ишларини ишлаб чиқишда буюртмачи сифатида иштирок этиш ҳуқуқи берилсин.

5. Қўйидагилар:

2019 йилда эркин иқтисодий зоналарнинг автомобиль йўллари, сув таъминоти ва канализация тармоқларини қуриш ва таъмирлаш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харитаси») 1-иловага* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашларининг янгиланган намунавий таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси:

а) Иқтисодиёт вазирлиги билан бирга 2019 йилнинг 1 апрелига қадар қўйидагиларни назарда тутувчи Эркин иқтисодий зоналарни ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) лойиҳасини ишлаб чиқсин ва киритсин.

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

эркин иқтисодий зоналарнинг ихтисослашуви, инвестиция лойиҳаларини танлаб олишнинг аниқ мезонлари, берилаётган имтиёзлар ва давлат кўмагининг бошқа шакллари белгилаш;

инвесторларни жалб қилиш мақсадида эркин иқтисодий зоналар ҳудудида зарур шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан, муҳандислик-транспорт инфратузилмаси, ижтимоий-маиший ва маданий-жамоатчилик объектлар билан таъминланганлик даражасини яхшилаш;

эркин иқтисодий зоналарнинг бошқариш тизимини, шу жумладан, дирекциялар фаолиятини ташкил этишда ягона стандартларни белгилаш, кўрсатилаётган хизматларнинг рўйхатини кенгайтириш, шунингдек, эркин иқтисодий зоналар дирекцияларини тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, хорижий компанияларга ишончли бошқарувга бериш йўли билан такомиллаштириш;

б) Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига Маъмурий кенгашлар ва эркин иқтисодий зоналарнинг дирекциялари фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин, унда эркин иқтисодий зоналарнинг вазирлик, идоралар, ташкилотлар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлиги тартибини назарда тутсин;

в) маъмурий кенгашлар ва эркин иқтисодий зоналарнинг дирекциялари билан биргаликда икки ой муддатда:

самарасиз фойдаланилаётган ер участкаларини қайтарган ҳолда, эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари билан ердан фойдаланиш шартномаларини қайта кўриб чиқиш ёки қўшимча лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига ердан оқилона фойдаланиш бўйича «йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш;

эркин иқтисодий зоналарнинг белгиланган муддатларда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни бошламаган иштирокчилари билан келишувларни бекор қилиш;

қисқа муддатларда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни ҳисобга олиб, қолоқ лойиҳалар бўйича тармоқ жадвалларини тузишни таъминласин;

г) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

буюртмачилар томонидан бирламчи маълумотларни Интернет тармоғи орқали рақамли имзодан фойдаланган ҳолда киритиш, шунингдек, лойиҳаларни муайян мезонлар асосида қатъий белгиланган аниқ автоматик алгоритм бўйича баҳолаш имконини берадиган, эркин иқтисодий зоналар ҳудудида лойиҳаларни амалга ошириш учун аризаларни маъмурий кенгашлар томонидан кўриб чиқишнинг электрон тизимини;

эркин иқтисодий зоналар иштирокчиларининг ишлаб чиқариш қувватларини ўз вақтида ишга тушириши, маҳсулотларни экспорт қилиши, янги иш ўринлари яратиши ҳамда инвестициявий мажбуриятларни бажариши устидан тезкор назорат олиб бориш имконини берувчи эркин иқтисодий зоналар ҳудудида инвестиция лойиҳаларини мониторинг қилишнинг автоматлаштирилган тизимини;

мазкур Фармон талаблари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Пре-

зидентининг «Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 25 октябрдаги ПҚ–3356-сон қарори 12-банди талабларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси эркин иқтисодий зоналари ягона порталнинг янгиланган версиясини ишлаб чиқсин ва жорий этсин;

д) Иқтисодиёт вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда 2019 йилнинг 1 мартига қадар эркин иқтисодий зоналар бўйича қабул қилинган қонунчилик базасини хатловдан ўтказсин ва тўғридан-тўғри амал қиладиган «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин ва унда ушбу Фармон қоидалари ҳамда кейинчалик ўз кучини йўқотадиган Ўзбекистон Республикасининг «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонуни нормаларини назарда тутсин;

е) Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурини шакллантиришда «Йўл харитаси»да белгиланган чора-тадбирларни молиялаштиришни назарда тутсин;

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, «Ўзбек-энерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда:

бир ой муддатда эркин иқтисодий зоналар учун инфратузилмаларни барпо этиш бўйича ҳукумат қарорларининг амалий ижросини таҳлил қилсин, зарур ҳолларда, молиялаштириш кўрсаткичлари ва манбаларини қайта кўриб чиқсин ҳамда ҳар бир эркин иқтисодий зона кесимида Инфратузилмани жадал ривожлантириш дастурини тасдиқласин;

икки ой муддатда ҳар бир эркин иқтисодий зона бўйича муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини босқичма-босқич қуриш тармоқ графикларини тасдиқласин, уларнинг ишлаб чиқариш объектларини қуриш ва ишга тушириш муддатлари билан боғланишини таъминласин.

8. Қўйидагилар зиммасига:

Иқтисодиёт соҳаларини ривожлантириш, инвестиция ва ташқи савдо сиёсатини амалга ошириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Г.К. Саидовага — вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эркин иқтисодий зоналарнинг ривожланиши ва ишлаши, шунингдек, уларнинг ҳудудида инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Д.Р. Лига — Марказ томонидан эркин иқтисодий зоналар ҳудудида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг бизнес-режалари ёки техник-иқтисодий асослари бўйича хулосалар ўз вақтида берилиши;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раҳбарлари С.Р. Холмурадов, С.Х. Бекенов, Л.Ш. Қудратовга — маъмурий

кенгашлар томонидан эркин иқтисодий зоналар ҳудудида ишлаб чиқаришни жойлаштириш учун инвестиция буюртмаларининг ўз вақтида кўриб чиқилиши ва инвестиция лойиҳаларини эркин иқтисодий зоналар ҳудудида жойлаштириш бўйича қарорлар ўз вақтида қабул қилиниши;

Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири М.Х. Салиевга, «Ўзбекэнерго» АЖ бошқаруви раиси У.М. Мустафоев, «Ўзтрансгаз» АЖ бошқаруви раиси Б.Б. Эшмурадов, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бош менежери-муҳандиси Х.Н. Хасилов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ҳокимларига — ташқи инфратузилмаларни қуриш ва уларга эркин иқтисодий зоналар иштирокчиларининг уланиши ҳамда ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун электр энергияси, табиий газ, сув ҳамда ташқи канализация тармоқлари билан узлуксиз таъминланиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 3-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси бир ой муддатда мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосарлари Б.М. Мавлонов ва Г.К. Саидова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 21 декабрь,
ПФ–5600-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 21 декабрдаги
ПФ–5600-сон Фармониغا
2-ИЛОВА

**Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва
Тошкент шаҳридаги эркин иқтисодий зоналар ва кичик
саноат зоналари маъмурий кенгашларининг
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими, маъмурий кенгаш раиси.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимининг инвестициялар, инновациялар, хусусийлаш-

тирилган корхоналарга қўмаклашиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари, маъмурий кенгаш раиси ўринбосари.

3. Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт вазири, вилоят ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи.

4. Қорақалпоғистон Республикаси молия вазири, вилоят ва Тошкент шаҳар молия бош бошқармаси бошлиғи.

5. Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазири, вилоят ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи.

6. Қорақалпоғистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири, вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси ва Тошкент шаҳар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси бошлиқлари.

7. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳудудий бўлинмаси раҳбари.

8. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳудудий бўлинмаси раҳбари.

9. Ҳудудий газ таъминоти корхонаси раҳбари.

10. Ҳудудий электр таъминоти корхонаси раҳбари.

11. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг ҳудудий бўлинмаси раҳбари, маъмурий кенгаш котиби.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 21 декабрдаги
ПФ–5600-сон Фармонига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини
йўқотган айрим ҳужжатлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 25 октябрдаги ПҚ–3356-сон қарорининг 1-банди «б» кичик банди, шунингдек, 1, 2 ва 4-иловалари.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигини ташкил этиш тўғрисида» 2018 йил 5 мартдаги ПҚ–3583-сон қарорининг 4 ва 5-бандлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**974 Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Мамлакатимизда юқумли бўлмаган касалликлар ҳамда уларнинг хавф омилларининг олдини олиш, даволаш ва назорат қилиш, аҳолининг барвақт ўлим ҳамда касалланишини камайтириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида профилактика чора-тадбирларини самарали мувофиқлаштириш тизими мавжуд эмаслиги фуқароларнинг жисмоний фаоллиги даражасини қўллаб-қувватлаш ва соғлом турмуш тарзини юритишда келишилган чоралар кўриш имконини бермаяпти.

Аҳолининг тиббий ва санитар-гигиеник маданияти даражасининг пастлигича қолаётганлиги натижасида асосий эътибор профилактикага эмас, касалликлар билан курашишга қаратилмоқда.

Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва жисмоний фаоллигини оширишни ташкил қилиш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5590-сон Фармониغا мувофиқ:

1. Қуйидагилар:

2019 — 2022 йилларда юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш Концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ;

2019 — 2022 йилларда юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари Дастури (кейинги ўринларда — чора-тадбирлар Дастури) 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири этиб белгилансин — ходимлар жамоасининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш, уларнинг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш мақсадида барча зарур шароитларни яратиш, ушбу вазифаларга эришишга қаратилган чора-тадбирларни мунтазам равишда ташкил қилиб бориш.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жисмоний

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 19 декабрда эълон қилинган.

** 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тарбия ва спорт вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатасининг:

Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Республика диетология ўқув-илмий маркази негизда давлат муассасаси шаклида Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш марказини (кейинги ўринларда — Марказ);

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳузурида юридик шахсни ташкил этмаган ҳолда Марказнинг ҳудудий бўлимларини;

туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари ҳузуридаги «Саломатлик» марказлари негизда юридик шахсни ташкил этмаган ҳолда Марказнинг туман ва шаҳар бўлинмаларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

4. Қуйидагилар Марказ фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

соғлом турмуш тарзини шакллантириш, юқумли бўлмаган касалликлар ва уларнинг хавф омилларига қарши курашиш ҳамда олдини олиш бўйича мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, зарарли одатларга қарши курашиш, аҳолининг тиббий маданиятини ривожлантириш, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва оммавий спорт ҳаракатини тиббиёт профилактикаси билан интеграциялаштириш бўйича оммавий тадбирларни ўтказиш;

соғлом турмуш тарзини шакллантириш, юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш масалалари бўйича халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

аҳоли саломатлиги ҳолатини мониторинг қилишнинг ягона тизимини яратиш, замонавий ахборот ва инновацион технологияларини жорий этиш билан бирга умрни узайтириш ва саломатликни мустаҳкамлашга оид аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва тавсияларни татбиқ этишда кўмаклашиш;

умумэтироф этилган халқаро услублар асосида доимий популяция текширувлари ва юқумли бўлмаган касалликларнинг хавф омиллари бўйича сўровлар ўтказиш;

нотўғри овқатланиш билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш ва тарқалиши даражасини камайтириш, кенг кўламда тушунтириш ишларини ташкил қилиш ва аҳолининг соғлом турмуш тарзи гарови сифатида тўғри овқатланиш тарғиботини кучайтириш;

сифатнинг замонавий халқаро стандартларига мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий турларини мамлакатимизда ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш;

таълим муассасалари билан биргаликда юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш ва аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш масалалари юзасидан кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва узлуксиз касбий ривожланиши бўйича тадбирларни ташкил қилиш ва уларда иштирок этиш.

5. Белгилансинки:

Марказ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташкилий тузилмасига киради ва унга ҳисобот беради;

Марказ, унинг ҳудудий бўлимлари ва туман (шаҳар) бўлинмалари (кейинги ўринларда — ҳудудий бўлинмалар) Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Республика диетология ўқув-илмий маркази ва туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари ҳузуридаги «Саломатлик» марказларининг умумий штат бирликлари ва иш ҳақи фонди доирасида ташкил этилади;

Марказ ва унинг ҳудудий бўлинмалари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, халқаро молия ташкилотлари ва институтларининг грантлари ва кредитлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари ҳузуридаги «Саломатлик» марказлари штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобидан бўшаган маблағлар Марказ ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг ходимларини моддий рағбатлантиришга йўналтирилади ҳамда ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантиришда ушбу мақсадлар назарда тутилади;

Марказ аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси, бошқа давлат бошқаруви органлари, жамоат ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

Марказ унга юклатилган вазифалар доирасида вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотларидан зарур статистик ва таҳлилий маълумотларни сўраш ва бепул олиш ҳуқуқига эга;

Марказни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор бошқаради;

Марказ директори меҳнатга ҳақ тўлаш шароитлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош бошқарма бошлиғига тенглаштирилади.

6. Марказ ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимларининг чекланган умумий сони 838 нафар этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой муддатда Марказ ва унинг ҳудудий бўлинмалари низомлари ва тузилмаларини тасдиқласин, бунда Марказ директорига, зарур бўлганда, тасдиқланган тузилмаларга ходимларнинг чекланган умумий сони ва иш ҳақи фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2019 йилнинг 1 декабрига қадар кенг доирада ўтказиладиган жамоатчилик муҳокамалари натижасида алкоголь ва тамаки маҳсулотлар истеъмолини чеклаш бўйича, шунингдек, қуйидагиларни ўз ичига олувчи қўшимча чора-тадбирларни қабул қилсин.

Алкоголь маҳсулоти идишининг ёрлиғида ҳамда тамаки маҳсулотининг қутисида (ўровида) тиббий огоҳлантиришларни жойлаштириш учун асосий майдон ўлчамини кенгайтириш;

тамаки маҳсулоти қутисида (ўровида) матнли ёзув ва расм тарзидаги тиббий огоҳлантиришларни жойлаштириш;

алкоголь ва тамаки маҳсулотлари савдоси қоидаларига риоя этилиши устидан назорат олиб борувчи органларни ҳамда шундай назоратни олиб боришнинг механизмларини аниқлаштириш;

жамоат жойлари ва транспортнинг белгиланмаган жойларида алкоголь ва тамаки маҳсулотлар истеъмоли учун жавобгарликни кучайтириш;

жамоат жойларда ва транспортнинг белгиланмаган жойларида алкоголь ва тамаки маҳсулотлари истеъмолини чеклаш мақсадида ваколатли шахслар томонидан (корхона, ташкилот, муассасаларнинг маъмуриятлари, шу жумладан, жамоат жойларида жойлашган иншоот, бино (иморат), бошқа объектлар ҳамда транспорт воситаларининг эгалари) чоралар қўрилмагани учун жавобгарликни белгилаш.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

а) республиканинг барча бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари амалиётига:

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг артериал гипертония, қандли диабет, бронхиал астма ва ўпканинг сурункали обструктив касаллиги ва бошқа юқумли бўлмаган касалликлар бўйича клиник протоколлар, стандартлар ҳамда тавсиялар талабларини;

қўллаб-қувватловчи кураторлик тизими орқали тиббий хизматларнинг узлуксиз баҳолаш ва сифатини ошириш механизмларини;

хар бир бемор учун юқумли бўлмаган касалликлар ва хавф омиллари бўйича саломатлик профилларини яратишни назарда тутган дастурий таъминотини татбиқ этсин;

б) озиқ-овқат маҳсулотларини таркибида ёғлар, туз ва қанд миқдори юқори бўлган маҳсулотлар тоифасига киритиш мезонлари ва тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

в) таркибида ёғлар, туз ва қанд миқдори юқори бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини олиб кириш, ишлаб чиқариш (тайёрлаш), сотиш ва истеъмолини чеклаш бўйича таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб, Тошкент тиббиёт академияси магистратурасининг янги «Нутрициология» йўналишини очиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

10. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ давлат органлари ва ташкилотларида:

иш куни давомида ишлаб чиқариш гимнастикаси машқлари;

хафтасига камида бир маротаба ходимларнинг жисмоний тарбия-оммавий тадбирларда (югуриш, сузиш, футбол, волейбол, баскетбол, теннис ва бошқаларда) иштирок этишини назарда тутадиган «Саломатлик куни»;

мунтазам равишда ходимлар орасида оммавийлашган спорт турлари бўйича спорт мусобақалари ва бошқа жисмоний тарбия-оммавий тадбирлар ўтказиб борилиши амалиётга жорий этилсин.

11. Давлат органлари ва ташкилотлари технология, ишлаб чиқариш ва иш шароитларидан келиб чиқиб, ходимларига ишлаб чиқариш гимнастикаси машқларини бажариши учун иш вақтига киритиладиган махсус танаффусларни белгиласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги:

а) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда: ишлаб чиқариш гимнастикасининг намунавий машқлар комплексини; транспортда қатнаш жиҳатидан қулайлиги ва масофани инобатга олган ҳолда корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ходимларига шуғулланиш учун тавсия этиладиган спорт иншоотлари рўйхатини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

б) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 апрелга қадар туман (шаҳарлар) бўйича зоналарга бўлиб ҳамда иш фаолиятининг тавсифлари, машғулотларнинг нархи, иш вақти ва бошқа маълумотларни келтириб ўтган ҳолда, спорт иншоотларининг ягона базасини яратсин ҳамда Интернет тармоғига жойлаштирилишини таъминласин.

13. Белгилансинки, давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари жамоасига соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш учун барча зарур шароитлар яратиш, шу жумладан, спорт объектларига шуғулланиш (қуриш, жиҳозлаш) бўйича тадбирларни молиялаштириш тегишли давлат органлари ва ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

14. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг аҳолининг кенг қатламлари орасида қуйидагиларни ўз ичига олган «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тестларини ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

аҳолининг умумий жисмоний тайёргарлиги даражасига спорт нормативларини ва давлат талабларини белгилаш;

аҳолининг турли ёшдаги гуруҳлари ўртасида спорт мусобақаларини ўтказиш;

юқори кўрсаткичларга эришган фуқароларни «Алпомиш» ва «Барчиной» I, II ва III даражали кўкрак нишонлари билан тақдирлашни жорий этиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тестларни ўтказишни ташкил қилиш тўғрисида ҳукумат қарорини қабул қилсин.

15. Қуйидагилар:

Марказнинг давлат органлари ва ташкилотлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш, шу жумладан, юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш бўйича сифатли чора-тадбирларни амал-

га ошириш юзасидан таъсирчан назорат ўрнатиш — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдухакимов;

Марказ ва унинг худудий бўлинмалари фаолиятини талаб даражасида ташкил этиш, жамият соғлиғини сақлашни таъминлаш, аҳолини соғлом турмуш тарзига даъват қилиш бўйича чоралар кўриш, фуқароларда ўзининг ва атрофдагиларнинг саломатлиги учун масъуллик ҳиссини шакллантириш — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири А.К. Шодмонов;

аҳоли, айниқса, ёшлар орасида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни оммалаштириш бўйича тадбирларни ташкиллаштириш ҳамда аҳолининг кенг қатламлари учун спорт иншоотлари ва инвентаридан фойдаланиш имкониятини таъминлаш — Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири Д.Х. Набиев;

таълим муассасалари ўқув дастурларига ўқувчиларнинг соғлом турмуш тарзини олиб бориш ва жисмоний фаоллиги даражасини оширишни таъминлаш тадбирларини киритиш, таълим муассасалари худудида ўқувчиларнинг саломатлигига зиён етказадиган озиқ-овқат маҳсулотлари сотилишига йўл қўймаслик — Ўзбекистон Республикасининг мактабгача таълим вазири А.В. Шин, халқ таълими вазири Ш.Х. Шерматов, олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У. Мажидов;

Концепция ва чора-тадбирлар Дастурида белгиланган тадбирларни сифатли, ўз вақтида ва тўлиқ бажариш бўйича шахсий жавобгарлик — давлат органлари ва ташкилотларнинг раҳбарлари зиммасига юклансин.

16. Марказ Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй манзили бўйича жойлаштирилсин.

17. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 18 декабрь,
ПҚ-4063-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги
ПҚ-4063-сон қарорига
1-ИЛОВА

**2019 — 2022 йилларда юқумли бўлмаган касалликлар
профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-
қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш
КОНЦЕПЦИЯСИ**

**1-боб. Носоғлом турмуш тарзи ва етарлича бўлмаган
жисмоний фаоллик натижасида юзага келган аҳоли
саломатлигининг бугунги ҳолати**

Юрак қон-томир касалликлари, инсулт, хавфли ўсмалар, нафас олиш аъзоларининг сурункали касалликлари ва қандли диабет каби юқумли бўлмаган касалликлар бутун дунёда ногиронлик ва ўлимларнинг асосий сабабларидир. Улар асосан юқори қон босими, тамаки ва алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилиш, қондаги холестериннинг юқори даражаси, ортиқча тана вазни, мева ва сабзавотларни етарлича истеъмол қилмаслик ва суст жисмоний фаоллик каби хавфли омиллар туфайли юзага келади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, кейинги бир неча ўн йил ичида ортиқча тана вазни ва семизлик муаммоси бутун дунёда кучайиб бормоқда. 2015 йилнинг ўзида юқумли бўлмаган касалликлар 40 миллион одамнинг умрига завола бўлди, бу эса дунё бўйича барча ўлим ҳолатларининг 70 фоизини ташкил қилади.

Ўзбекистонда ҳар йили барча ўлим ҳолатларининг 78 фоизи юқумли бўлмаган касалликлар туфайли юз бермоқда. 2017 йилда жинси ва ёши бўйича стандартлаштирилган ўлим сабаблари умумий тузилмасида биринчи ўринни қон айланиш тизими касалликлари (69 фоиз), шу жумладан, юрак ишемик касаллиги, артериал гипертония ва унинг асоратлари (миокард инфаркти, бош миёга қон қуйилиши) эгаллади. Улардан кейин хавфли ўсмалар (8 фоиз), қандли диабет (3 фоиз) ва нафас олиш аъзоларининг сурункали касалликлари (3 фоиз) жой олди.

2014-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан биргаликда республиканинг 18 — 64 ёшдаги аҳолиси орасида ўтказган тадқиқот натижалари қуйидагиларни кўрсатди:

ҳар куни аҳолининг учдан икки қисми (67 фоиз) сабзавот ва меваларни етарли миқдорда истеъмол қилмайди (400 граммдан кам);

аҳолининг ярми ортиқча вазнга эга (тана вазни индекси $\geq 25 \text{ kg/m}^2$);

катта ёшдаги аҳолининг ҳар бешинчисида семизлик аниқланган (тана вазни индекси $\geq 30 \text{ kg/m}^2$);

аҳолининг 46 фозида қондаги холестерин даражаси ортганлиги қайд қилинган;

эркакларнинг 42 фоизи ва аёлларнинг 1,5 фоизи тамаки чекади;
аҳолининг деярли учдан бир қисмида юқори артериал босим ($\geq 140/90$ mm Hg) қайд қилинмоқда;

аҳолининг 9 фоизи оч қоринга қондаги глюкозанинг ортган даражасига эга ($\geq 6,1$ mol/l);

40 — 64 ёшдаги аҳолининг бешдан бир қисми ўн йил ичида юрак қонтомир касалликлари ривожланиши хавфига эга;

аҳоли орасида бир кунда истеъмол қилинаётган туз миқдори ўртача 14,9 граммни ташкил қилади, бу эса Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсия этган кўрсаткичдан (қунига кўпи билан 5 грамм) 3 барабар ортиқ.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг баҳолашига кўра, 2016 йилда юқумли бўлмаган касалликлар етказган иқтисодий зарар тахминан 9,3 триллион сўмни ташкил қилди, бу эса мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 4,7 фоизига тенг.

Мутахассислар хавфли омиллар профилактикаси ва юқумли бўлмаган касалликларга чалинган беморларга тиббий ёрдамни ташкил қилиш ва кўрсатиш тизимини яхшилаш орқали Ўзбекистонда юқумли бўлмаган касалликлар сабабли барвақт ўлим топиш ҳолатлари 31 фоизининг олдини олиш ёки кечиктириш мумкинлигини таъкидламоқда.

2-боб. Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш тизимини ташкил қилишдаги муаммолар ва камчиликлар

Ҳозирги пайтда республика аҳолисини соғлом овқатланиш билан таъминлаш соҳасида қуйидаги камчиликлар мавжуд:

қанд-шакар ўрнини босувчи табиий маҳсулотлар етарли ҳажмда ишлаб чиқарилмаслиги;

таълим муассасаларида истеъмол қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги фойдали моддаларнинг сифат ва мутаносиблик талабларига мос келмаслиги;

озиқ-овқат маҳсулотларида зарур витаминлар ва минераллар даражасининг пастлиги;

айниқса, кечки пайтларда ҳаддан ташқари овқатланишнинг ўсиши.

Буғдой унини микронутриентлар билан бойитиш даражаси ишлаб чиқарилаётган ва импорт қилинаётган барча навдаги уннинг 30 фоизини ташкил қилмоқда. Микронутриентлар билан бойитилган буғдой унини аҳолининг тахминан 56 фоизи истеъмол қилади. Темир етишмаслиги анемиясининг профилактикасини таъминлаш учун аҳолининг 90 фоизини қамраб олиш лозим.

Маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларининг кимёвий таркиби бўйича маълумотлар мавжуд эмас, бу эса аҳоли учун соғлом овқатланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишни қийинлаштиради. Табиий ва иқтисодий шароитлар,

миллий анъаналар, демографик ва бошқа хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда касб ва жинс-ёш гуруҳлари бўйича дифференциялаштирилган овқатланиш меъёрлари ишлаб чиқилмаган.

Ўзбекистон Республикасининг «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Қонуни ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ва истеъмол қилинишини чеклаш бўйича бошқа қонун ҳужжатлари қоидаларига риоя қилиш паст даражада қолмоқда. 2017 йилда Қашқадарё вилоятида ўтказилган жамоатчилик мониторинги натижалари куйидагиларни кўрсатди:

74 фоиз ташкилотлар, муассасалар, корхоналарнинг ҳудуди ва биноларида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш учун махсус ажратилган жойлар ва (ёки) хоналар ташкил қилинмаган;

тамаки маҳсулотларини сотувчи савдо объектлари ва умумий овқатланиш корхоналарида қонунчиликни бузиш ҳолатлари (йигирма ёшга етмаган шахсларга сигарета сотиш ёки сигареталарни доналаб сотиш, йигирма ёшга етмаган шахсларга сигарета сотишга йўл қўйилмаслиги ҳамда сигареталарнинг инсон саломатлигига салбий таъсири ҳақида огоҳлантирувчи ёзувларнинг йўқлиги) аниқланган.

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида юқумли бўлмаган касалликларнинг хавfli омилларига эга беморларни барвақт аниқлаш тизими етарлича ривожланмаган, беморларга соғлом овқатланиш, жисмоний фаоллик, тамаки ва алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилишдан воз кечиш масалалари бўйича маслаҳатлар бериш лозим даражада ўтказилмайди.

2015 — 2017 йилларда Қашқадарё ва Фарғона вилоятларидаги 8 та оилавий поликлиника ва қишлоқ врачлик пунктларида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг артериал гипертония ва қандли диабет бўйича клиник протоколи синовдан ўтказилди.

Бунинг натижасида артериал гипертония ва қандли диабет иккинчи турини бирламчи аниқлаш деярли икки бараварга ортди, юрак қон-томир касалликлари хавfli 30 фоиздан юқори бўлган беморлар ҳамда юқумли бўлмаган касалликлар хавfli омилларига эга соғлом беморлар аниқланди, улар учун беморга ёрдам кўрсатиш шахсий режалари тузилди.

Қўлга киритилган ижобий натижаларни ҳисобга олган ҳолда, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг экспертлари томонидан мазкур тажриба натижаларини бирламчи тиббий-санитария ёрдамининг барча муассасалари амалиётига жорий қилиш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилди.

Юқумли бўлмаган касалликларнинг мавжуд мониторинг тизими ижтимоий ҳимояланмаган аҳоли гуруҳларининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатларини (этник келиб чиқиши, маълумоти, даромадлар даражаси ва бошқаларни) ўрганиш имконини бермайди. Юқумли бўлмаган касалликлар хавfli омилларининг тарқалганлигини ўрганиш бўйича ижтимоий тадқиқотлар ўтказиш учун зарур молиявий ресурслар ажратилмаяпти.

Барча даражаларда тиббий маълумотларни йиғиш ва қайд қилишнинг ягона электрон тизими жорий қилинмаган, бу эса мониторингни амалга

ошириш жараёнини анча қийинлаштиради ва унинг сифатини пасайтиради. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида тиббий ҳужжатлардаги ёзувлар унификациялаштирилмаган ва ихтиёрий шаклда ёзилади, беморларнинг саломатлик кўрсаткичлари турли тиббий ҳужжатларда такрорланади, маълумотларни статистик қайта ишлаш ва таҳлил қилиш қоғозда амалга оширилади.

Натижада, юқумли бўлмаган касалликларнинг мавжуд мониторинг тизими самарали бошқарув қарорлари қабул қилинишини таъминламайди.

Фуқароларни соғлом турмуш тарзини олиб боришга жалб қилиш бўйича тарғибот ишлари етарли даражада амалга оширилмаяпти. Мазкур йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирлар фақат миқдорий ва статистик аҳамиятга эга (2017 йилда 200 мингдан ортиқ тадбирлар ўтказилди, лекин улар самарали ва таъсирчан натижаларни бермаяпти).

Ахборот-маърифий кампаниялар қисқа давом этади ва мунтазам равишда ўтказилмайди. Халқаро тажриба бундай чора-тадбирлар соғлом муҳитни барпо этиш бўйича қонунчилик базасини такомиллаштириш, соғлом озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишни рағбатлантириш, аҳолини ўз феъл-атворини ўзгартиришга ёки иш берувчиларни ташкилот ходимлари орасида соғлом муҳитни яратишга ундовчи иқтисодий ва маъмурий механизмларни қўллаш каби бошқа чора-тадбирлар билан биргаликда амалга оширилганида самарали бўлишини кўрсатади.

Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллигини кучайтириш соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича фаолият йўлга қўйилмаган.

Тошкент тиббиёт академиясининг Жамият саломатлигини сақлаш мактаби ўқув дастурининг мазмуни кўп жиҳатдан соғлиқни сақлаш соҳасини бошқариш бўйича мутахассисларни тайёрлашга қаратилган. Тошкент тиббиёт академияси «Болалар ва ўсмирлар гигиенаси ва овқатланиш гигиенаси» кафедрасининг ўқув дастури санитария-эпидемиология назорати хизматида ишлайдиган овқатланиш гигиенаси бўйича санитар врачларни тайёрлашга мўлжалланган. Натижада, соғлом ва парҳез овқатланиш ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантириш соҳасида замонавий билимлар, кўникмалар ва маҳоратга эга бўлган мутахассисларнинг жиддий етишмаслиги кузатилмоқда.

Тиббий олий таълим муассасаларининг кўпчилик ўқитувчилари етарлича амалий иш тажрибасига эга эмас. Таҳлиллар шу кўрсатадики, айти пайтда, хорижда ўқитувчилар ўқитиш жараёнини кўпинча давлат ва хусусий ташкилотларда мутахассис ва эксперт сифатида ишлаш билан биргаликда олиб борадилар.

Мамлакатда юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикаси ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун республика даражасида ҳам, ҳудудий даражада ҳам масъул муассасалар мавжуд эмас.

3-боб. Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллик даражасини ошириш мақсадлари, устувор йўналишлари ва вазифалари

2019 — 2022 йилларда юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллик даражасини ошириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2013 — 2020 йилларда юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси ва уларга қарши курашиш бўйича глобал ҳаракатлар режаси, 2015 — 2020 йилларда озиқ-овқат маҳсулотлари ва овқатланиш соҳасида ҳаракатлар режаси, 2016 — 2025 йилларда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақаси учун жисмоний фаоллик соҳасидаги стратегияси, Тамакига қарши курашиш бўйича ҳадли конвенция, 2012 — 2020 йилларда Европада алкогольни зарарли истеъмол қилишни камайтириш бўйича ҳаракатлар режаси каби ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Концепция Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиялари асосида юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш бўйича замонавий ёндашувларни ўз ичига олган.

Концепциянинг мақсади юқумли бўлмаган касалликлар ва уларнинг хавfli омилларининг олдини олиш, даволаш ҳамда назорат қилиш, барвақт ўлим ҳолатлари ва жамият учун касалликлар юқини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш йўли билан мамлакат аҳолиси орасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришдан иборат.

Концепциянинг стратегик устувор йўналишлари:

а) юқумли бўлмаган касалликларнинг қуйидаги хавfli омилларига қарши курашиш:

носоғлом овқатланиш;

етарли бўлмаган жисмоний фаоллик;

ортиқча тана вазни;

тамаки ва алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилиш, шу жумладан, чилим ва электрон сигареталарни чекиш;

артериал босимнинг юқорилиги, қондаги глюкоза ва холестериннинг юқори даражаси;

б) касалликларнинг қуйидаги гуруҳларига қарши курашиш:

юрак-томир касалликлари (артериал гипертония, миокард инфаркти, инсульт);

қандли диабет;

нафас олиш аъзоларининг сурункали касалликлари (ўпка сурункали обструктив касалликлари, бронхиал астма);

хавfli ўсмалар (сут беzi раки, бачадон бўйни раки, ўпка раки).

Концепциянинг асосий вазифалари:

1. Соғлом муҳитни яратиш ва соғлом турмуш тарзи фойдасига тўғри танлов бўйича ташаббусларни шакллантириш ва омма орасида кенг ёйиш.

2. Таълим, тиббиёт, спорт муассасалари, корхоналар, ташкилотлар ва жамоат жойларида соғлом муҳитни шакллантириш бўйича нодавлат сектор ролини кучайтириш.

3. Аҳоли ўртасида юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш соҳасида давлат-хусусий шериклиги механизмларини жорий қилиш ва унинг имкониятларини кенгайтириш.

4. Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси ва уларни назорат қилиш бўйича чора-тадбирларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, халқаро молиявий институтлар ва ташкилотлар маблағлари, тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари, грантлар ҳамда қонун билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан барқарор молиялаштириш.

5. Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси ва аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича ахборот-маърифий фаолиятни такомиллаштириш;

6. Юқумли бўлмаган касалликларнинг миллий интеграциялашган эпидемиологик назорати ахборот тизимини, шу жумладан, хавфли омиллар ва асосий юқумли бўлмаган касалликлар бўйича мақсадли кўрсаткичларга эришишни баҳолаш ва мониторинг қилиш тизимини яратиш.

7. Хавф гуруҳига кирувчи ва юқумли бўлмаган касалликларга чалинган беморларга хавфли омилларни барвақт аниқлаш ва назорат қилишга алоҳида эътибор қаратган ҳолда профилактика, даволаш ва консултатив ёрдам тизимини такомиллаштириш.

8. Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикаси ва аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш соҳасига жалб этилган барча секторларнинг кадрлар ва илмий-тадқиқот салоҳиятини ривожлантириш.

4-боб. 2019 — 2022 йилларда юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳоли жисмоний фаоллик даражасини ошириш бўйича фаолиятнинг асосий йўналишлари

1. Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллик даражасини ошириш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш

1. Таркибида ёғлар, туз ва қанд миқдори юқори бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш тарғиботи ва рекламасини чеклаш соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш.

2. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини тарқатиш ва истеъмол қилишни чеклаш юзасидан қўшимча чора-тадбирларни ўрнатишга қаратилган ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш.

3. Республикага микронутриентлар билан бойитилмаган биринчи нав бугдой унини олиб киришни (импорт қилишни) чеклаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

4. Оммавий истеъмол қилинадиган маҳсулотлардаги калория даражасини камайтириш ва улар таркибидаги ёғлар, туз ва қанд миқдорининг мақсадли даражаларини ўрнатиш ҳамда порцияларининг тавсия қилинувчи миқдорларини аниқлаш мақсадида уларнинг стандартлари ва рецептураларини қайта кўриб чиқиш.

5. Зарarli меҳнат шароитларига эга саноат корхоналари учун профилактик овқатланиш стандартларини қайта кўриб чиқиш.

6. Тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришда улар таъмининг жозибадорлигини орттирувчи ингредиентлардан (хушбўй хид берувчи моддалар) фойдаланиш тартибини ўрнатиш.

2. Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш

1. Соғлом озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишни рағбатлантириш ва таркибида ёғлар, туз, қанд миқдори юқори бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини олиб кириш, ишлаб чиқариш (тайёрлаш) ва сотишни чеклаш бўйича бозор механизмларини жорий қилиш.

2. Турли деҳқончилик шароитларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларининг таркиби ва сифатини, шунингдек, миллий таомларнинг фармакодинамик хусусиятларини ўрганиш бўйича илмий-амалий тадқиқотларни олиб бориш.

3. Нутрициология соҳасидаги замонавий ютуқлар асосида аҳолининг ёши, жинси ва касби бўйича турли гуруҳлари учун овқатланишнинг мақбул меъёрларини қайта кўриб чиқиш.

4. Овқатга қўшиладиган қўшимчаларни (ранг, хушбўй хид берувчи моддалар, консервантлар ва бошқалар) қўллаш устидан назоратни кучайтириш.

5. Умумий овқатланиш корхоналарининг таомномаларига сабзавотлар, мевалар ва бошқа фойдали озиқ-овқат маҳсулотларининг киритилишини рағбатлантириш.

3. Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш бўйича чора-тадбирларни қабул қилиш

1. Таълим муассасаларининг ўқув дастурларига соғлом турмуш тарзини олиб бориш ҳамда ўқувчиларнинг (талабаларнинг) соғлом овқатланиши ва жисмоний фаоллигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни жорий қилиш.

2. Аҳоли хавфсиз ва фаол ҳаракатланиши учун шарт-шароитларни (пиёдалар ва велосипед ҳайдовчилари учун йўлқалар) яратиш.

3. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун худудлар ва спорт иншоотларини, шу жумладан, давлат-хусусий шериклиги асосида куриш ва реконструкция қилиш, турли ёш гуруҳлари фойдаланиши мумкин бўлган спорт секцияларининг қамрови ва турларини кенгайтириш.

4. Иш берувчилар томонидан ходимларнинг иш вақти давомида ишлаб чиқариш гимнастикаси комплексларини бажаришлари учун махсус танаффуслар белгилаш.

5. Иш берувчилар томонидан ходимларнинг ишлаб чиқариш гимнастикаси комплексларини бажаришлари учун тегишли спорт инвентарлари билан жиҳозланган хоналарни ажратиш.

6. Касаба уюшмаларининг ходимлар бўш вақтларини ташкил қилишдаги ролини ошириш орқали корпоратив спортни ривожлантиришни рағбатлантириш.

7. Жамоат объектларидан (мактаб, тиббиёт, спорт ва кўнгилочар муассасалар, турар жойлар ва кўп квартиралар уйлар) фойдаланаётган шахсларнинг жисмоний фаоллигини мажбурий қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий қилиш.

8. Спорт объектларининг туманлар (шаҳарлар) бўйича зоналарга бўлиб ҳамда иш фаолиятининг тавсифлари, машғулотлар нархи, иш вақти ва бошқа маълумотларни келтириб ўтган ҳолда ягона маълумотлар базасини яратиш ва Интернет тармоғига жойлаштириш.

9. Аҳолининг кенг қатламлари орасида «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тестларини ўтказишни ташкил қилиш.

4. Соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан юқумли бўлмаган асосий касалликлар бўйича кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш

1. Республика бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари амалиётига Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг артериал гипертония, қандли диабет, бронхиал астма ва ўпка сурункали обструктив касалликлари ва бошқа юқумли бўлмаган касалликлар бўйича клиник протоколлари, стандартлари ва тавсияларини жорий қилиш.

2. Тиббиётнинг ўрта бўғини ходимлари томонидан аҳолини врачдан олдин кўриқдан ўтказиш пунктларини ташкил қилиш.

3. Юқумли бўлмаган касалликларга чалинган беморларни ўзларини парваришлаш ва саломатлик ҳолатини назорат қилишга ўргатиш.

4. Қўллаб-қувватловчи кураторлик тизими орқали бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида узлуксиз баҳолаш ва хизматлар сифатини ошириш механизмларини жорий қилиш.

5. Ҳар бир бемор учун хавфли омиллар ва юқумли бўлмаган касалликлар бўйича саломатлик профилини (овқатланиш характери, тамакига қарамликнинг мавжудлиги, тана вазни индекси, артериал босим, қондаги қанд ва холестерин даражаси ва бошқалар) яратишни назарда тутувчи дастурий

таъминотни ишлаб чиқиш ва уни бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари амалиётига жорий қилиш.

5. Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллик даражасини ошириш бўйича чора-тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолаш тизимини такомиллаштириш

1. Аҳоли томонидан озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол қилиниши ҳамда истеъмолчиларнинг ушбу озиқ-овқат маҳсулотларига муносабатини баҳолашни ўз ичига олган кенг қўламли мониторингни амалга ошириш.

2. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиялари асосида юқумли бўлмаган касалликларнинг эпидемиологик мониторингини амалга ошириш протоколини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш.

3. Тиббиёт муассасаларининг ҳисобга олиш ва ҳисобот ҳужжатларига юқумли бўлмаган касалликларнинг хавfli омиллари бўйича кўрсаткичларни киритиш орқали ушбу касалликлар бўйича тиббий-статистика ҳисоби ва ҳисоботи тизимини такомиллаштириш.

4. Асосий касалликлар бўйича касалликларнинг тобора авж олишини, асоратларнинг ривожланишини кузатиб бориш имкониятини берувчи регистрларни жорий қилиш.

5. Аҳоли орасида халқаро қабул қилинган стандарт методология (HBSC, STEPS ва бошқалар) асосида кенг қўламли тадқиқотлар ўтказиш.

6. Соғлом атроф-муҳитни яратиш бўйича жамоатчилик мониторинги тизимини жорий қилиш.

6. Кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш

1. Етакчи хорижий жамият соғлиқни сақлаш муассасалари билан ҳамкорликда олий тиббий таълим муассасалари тиббиёт-профилактика йўналишидаги кафедралари ўқитувчиларининг жамият саломатлиги ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш, соғлом овқатланиш, диетология масалалари бўйича малакасини ошириш.

2. Олий тиббий таълим муассасаларининг тиббиёт-профилактика йўналишига ихтисослашган кафедралари, шунингдек, Тошкент тиббиёт академиясининг Жамият соғлиғини сақлаш мактаби ҳамда тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимининг ўқув дастурларини қайта кўриб чиқиш ва уларни халқаро талабларга мослаштириш.

3. Тиббиёт институтларининг тиббий-профилактика йўналишидаги соҳа кафедралари ҳамда Тошкент тиббиёт академияси Жамият соғлиғини сақлаш мактабининг ўқув дастурларини Европа минтақасининг жамият соғлиғини сақлаш мактаблари ассоциацияси (ASPHER — The Association of Schools of Public Health in the European Region) томонидан аккредитация қилинишини таъминлаш.

4. Ўрта тиббий ходимларни «Диабетик оёқ юзи бўйича тиббий ҳамшира — подиатр», «Соғлом овқатланиш бўйича маслаҳатчи», «Тамакидан воз кечиш бўйича маслаҳатчи», «Бронхиал астма бўйича маслаҳатчи» ҳамда бошқа йўналишларда ихтисослаштириш ва сертификатлаш дастурларини ишлаб чиқиш.

5-боб. Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар

Концепцияни амалга ошириш натижасида қуйидагилар:

аҳоли томонидан сабзавот ва мевалар истеъмол қилинишини 15 фоизга ошириш;

ош тузи истеъмол қилинишини 15 фоизга қисқартириш;

витаминлар ва зарур минераллар билан бойитилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш улушини ошириш;

аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини 10 фоизга ошириш;

алкоголь ва тамаки маҳсулотлари истеъмолини 10 фоизга қисқартириш;

юқори артериал босимга эга беморлар сонининг ўсишини тўхтатиб туриш;

семириш ва қандли диабет касаллигига чалинган беморлар сонининг ўсишини тўхтатиб туриш;

тиббий муассасаларни юқумли бўлмаган асосий касалликларни даволаш учун зарур бўлган базавий диагностик тестлар, жиҳозлар ва асосий дори воситалари билан таъминланганлиги даражасини 50 фоизга етказиш;

инфаркт ва инсультнинг олдини олиш учун юқори хавф даражасига эга ва юқумли бўлмаган касалликларга чалинган беморларнинг камида 50 фоизини зарур дори-дармон терапияси ҳамда маслаҳатлар билан таъминлаш;

аҳоли орасида юрак қон-томир касалликлари, хавфли ўсмалар, қандли диабет ва ўпка сурункали обструктив касалликларидан барвақт ўлим ҳолатлари даражасини 10 фоизга қисқартириш кутилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**975** Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 4 сентябрдаги ПҚ–3928-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Мулкдор — жисмоний шахсларнинг уларга тегишли бўлган фаолият кўрсатмаётган ишлаб чиқариш майдонларидан оқилона ва мақсадли фойдаланилиши учун жавобгарлигини белгилаш, шунингдек, илгари хусусийлаштирилган объектларни, мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асосларидан қатъи назар қурилиши тугалланмаган объектлар, бўш турган бинолар, нотураар иншоотлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини хўжалик фаолиятига жадал тарзда жалб этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 4 сентябрдаги ПҚ–3928-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 18 декабрь,
ПҚ–4064-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 19 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги
ПҚ-4064-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишлаб
чиқариш майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини
оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил
4 сентябрдаги ПҚ-3928-сон қарорига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) давлат мулки бўлган фойдаланилмаётган объектлар ўрнатилган тартибда сотилади, давлат-хусусий шериклик асосида, шу жумладан, ижарага берилади;

б) фойдаланилмаётган объектларнинг хусусий мулкдорларига қуйидаги таъсир чоралари қўлланилади:

юридик шахсларга — соддалаштирилган солиққа тортиш тартибидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни умумбелгиланган тартибда тўлашга ўтказиш;

юридик ва жисмоний шахсларга — мол-мулк ва ер солиқларини икки карра миқдорда тўлаш, 6 ой ўтгандан сўнг — беш карра, 12 ой ўтгандан сўнг ва кейинчалик — ўрнатилган ставкага нисбатан ўн карра миқдорда тўлашга ўтказиш;

конунчиликка мувофиқ тақдим этилган солиқ имтиёзлари ва преференциялар амал қилишини тўхтатиш».

2. 4-иловадаги «Тадбирлар» графасида:

а) 2-босқичнинг тўртинчи хатбошиси «бўлган юридик» сўзларидан кейин «ва жисмоний» сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 5-босқичнинг учинчи хатбошиси «юридик» сўзидан кейин «ва жисмоний» сўзлари билан тўлдирилсин;

в) 14-босқич матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тўловлар бўйича мажбуриятларнинг:

юридик шахслар учун — солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни умумбелгиланган тартибда (агар юридик шахсга солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланилган бўлса);

юридик ва жисмоний шахслар учун — мол-мулк ва ер солиқларини икки карра, 6 ой ўтгандан сўнг — беш карра, 12 ой ўтгандан сўнг ва кейинчалик — ўн карра миқдорда вужудга келиши».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**976 Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Мамлакатимизда инвестиция сиёсатини тубдан такомиллаштириш ва ислоҳ қилиш, уни амалга ошириш юзасидан замонавий, самарали ёндашув ва механизмларни жорий этиш, шунингдек, инвестиция жараёнларини жадаллаштириш ва умуман ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар, авваламбор, иқтисодиёт тармоқларини, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини жадал ривожлантириш ва модернизация қилишни, саноат ишлаб чиқаришни комплекс диверсификация қилиш ва унинг рақобатбардошлигини оширишни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Фаол инвестиция сиёсатини давом эттириш, амалдаги ишлаб чиқаришларни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва янги юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича стратегик ва муҳим аҳамиятга эга бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун инвестицияларни, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш ҳамда самарали ўзлаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни инobatга олган ҳолда саъй-ҳаракатларни жамлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, бунинг асосида аҳоли бандлигини, уларнинг турмуш даражаси ва сифати оширилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси томонидан Молия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда ишлаб чиқилган, қўйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури:

2019 йилда капитал қўйилмаларнинг асосий параметрлари 1-иловага* мувофиқ;

2019 йилда ижтимоий, уй-жой, муҳандислик ва транспорт инфратузилмаси объектларини ишга тушириш прогнози 2-иловага* мувофиқ;

2019 йилда объектлар ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш манзилли дастури 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қўйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган, 2019 йилда объектлар қуриш ва уларни реконструкция қилиш манзилли дастури 4-иловага* мувофиқ;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 20 декабрда эълон қилинган.

** 1 — 4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да рус тилида эълон қилинган.

б) марказлаштирилган инвестициялар ҳисобидан молиялаштириладиган: 2019 йилда мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек, техникалар харид қилиш манзилли дастури 5-иловага* мувофиқ;

2019 йилда автомобиль йўллари, кўприклар ва йўл ўтказгичлар қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек, объектларни жиҳозлаш ва техникалар харид қилиш манзилли дастури 6-иловага* мувофиқ;

2019 йилда олий таълим муассасалари, ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, тиббий, илмий-тадқиқот, умумтаълим ва мактабгача таълим муассасалари объектларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш манзилли дастурлари 7, 7а, 7б, 7в, 7г, 7д ва 7е-иловаларга* мувофиқ;

2019 йилда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимлари объектларини қуриш ва реконструкция қилиш манзилли дастури 8-иловага* мувофиқ;

2019 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида лойиҳаларни молиялаштиришни ташкил қилган ҳолда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш манзилли дастури 9-иловага* мувофиқ;

в) 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси давлат кафолати билан хорижий кредитларни жалб қилган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли дастури 10-иловага* мувофиқ;

г) 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини жалб қилган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли дастури 11-иловага* мувофиқ;

д) 2019 йилда тармоқ инвестиция лойиҳалари доирасида инвестицияларни ўзлаштириш йиғма манзилли дастури 12-иловага* мувофиқ;

е) марказлаштирилмаган инвестициялар ҳисобидан молиялаштириладиган:

2019 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб қилган ҳолда амалга ошириладиган тармоқ инвестиция лойиҳаларининг манзилли дастури 13-иловага* мувофиқ;

2019 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда амалга ошириладиган ҳудудий инвестиция лойиҳаларининг манзилли дастури 14-иловага* мувофиқ;

ж) қуйидагилар:

2019 йилда лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлашни жадаллаштириш талаб этиладиган инвестиция лойиҳалари рўйхати 15-иловага* мувофиқ;

2019 йилда кўриб чиқиладиган истиқболли инвестиция ва инфратузилма тармоқ лойиҳалари рўйхати 16-иловага* мувофиқ;

2019 йилда лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқиладиган ҳамда тасдиқланадиган, қурилиши ва реконструкция қилиниши Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши назарда тутилаётган объектлар рўйхати 17-иловага* мувофиқ;

* 5 — 17-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да рус тилида эълон қилинган.

2019 йилда лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган, марказлаштирилган инвестициялар ҳисобидан молиялаштирилиши назарда тутилаётган ижтимоий соҳа объектлари рўйхати 18-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

3. Белгилансинки:

лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича лойиҳалар (объектлар) юзасидан рўйхатларга ва капитал қўйилмалар лимитларига (қийматига) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Инвестициялар, инновацион ривожлантириш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари комплекси раҳбарининг қарорлари билан аниқлик ва тузатишлар киритилиши мумкин;

лойиҳалар (объектлар) бўйича тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан киритилади;

қурилиш ҳамда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёнларига тегишли ваколатга эга бўлмаган шахсларнинг аралашувиغا йўл қўйилмайди.

4. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармасига (кейинги ўринларда — Ривожланиш жамғармаси) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларини ўтказиш мазкур қарор билан маъқулланган манзилли дастурларга киритилган лойиҳаларни молиялаштириш учун аввал ажратилган маблағлар сарфланганлиги Ривожлантириш жамғармаси томонидан тасдиқланишига қараб амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур бўлган маблағлар Ривожланиш жамғармасига молиялаштириш жадвали асосида ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш юзасидан жавобгарлик юклансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда уч ой муддатда жалб этилаётган кредитларнинг гаров таъминоти учун Ўзбекистон Республикаси ташқи қарзларининг ва давлат кафолатлари суммасининг чекланган ҳажми меъёрларини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари — мазкур қарор билан маъқулланган манзилли дастурларга киритилган лойиҳалар буюртмачилари (кейинги ўринларда — лойиҳалар буюртмачилари):

икки ҳафта муддатда — йилдан-йилга ўтиб келаётган лойиҳаларни молиялаштириш манбалари ва ҳажмларини қурилиш-монтаж ишларини амал-

* 18-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да рус тилида эълон қилинган.

га оширишнинг календарь жадваллари билан узвий боғлиқликда аниқлаштирилган ҳолда, улар бўйича 2019 йилга мўлжалланган қурилишларнинг манзилли рўйхати ишлаб чиқирилишини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Молия вазирлигига тақдим этилишини;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги билан биргаликда уч ҳафта муддатда — марказлаштирилган инвестициялар ҳисобидан молиялаштирилган, 2019 йилда янгидан бошланган лойиҳалар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тасдиқлаш ишлари якунланишини;

икки ой муддатда тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари асосида — тендер (танлов) ҳужжатлари комплекс экспертизадан ўтказилишини, белгиланган тартибда янги бошланган лойиҳалар бўйича харид қилиш тартиб-таомиллари якунланишини ва тендер (танлов) ғолиблари билан пудрат шартномалари тузилишини;

харид қилиш тартиб-таомиллари якунланганидан сўнг бир ҳафта муддатда — янгидан бошланган лойиҳалар бўйича қурилишларнинг якуний манзилли рўйхатлари келишиш учун Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Молия вазирлигига тақдим этилишини;

икки ҳафта муддатда — мазкур қарорнинг 10, 11, 12, 13 ва 14-иловаларига киритилган лойиҳаларни амалга оширишнинг комплекс тармоқ жадваллари Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигига тақдим этилишини;

бир ой муддатда — мазкур қарорнинг 15-иловасига киритилган лойиҳалар юзасидан лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш бўйича «йўл хариталари» Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун тақдим этилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

республика шаҳарлари ва шаҳар посёлкаларининг ишлаб чиқилган ва бугунги кунга қадар тасдиқланмаган бош режалари лойиҳаларини уларнинг асосий қоидалари ва техник-иқтисодий кўрсаткичлари асосланганлиги нуқтаи назаридан ўрганиб чиқирилишини;

шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартибини, уларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш, шунингдек, хусусий лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолиятини рағбатлантириш, ушбу соҳага инновацион ечимларни ва илғор хорижий тажрибани жорий этиш бўйича тақлифлар тайёрланишини;

ажратилаётган маблағлар самарадорлигини оширишга, шунингдек, йўл инфратузилмасини ва умуман тармоқни ривожлантиришга қаратилган давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этишни инobatга олган ҳолда, автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш соҳасидаги ишларни янада такомиллаш-

тириш, уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқи-лишини таъминласин.

8. Вазирликлар, идоралар, хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари зиммасига:

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича қурилиш-монтаж ишлари ўз вақти-да ва сифатли бажарилишини, маблағларнинг тўлиқ ҳажмда ўзлаштирили-шини ҳамда объектлар ва ишлаб чиқариш қувватлари белгиланган муддат-ларда ишга туширилишини таъминлаш;

мазкур қарорнинг 17 ва 18-иловаларига киритилган лойиҳалар бўйича лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини 2019 йилда ишлаб чиқиш, эксперти-задан ўтказиш ва тасдиқлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

9. Ривожланиш жамғармаси кузатув кенгаши лойиҳалар буюртмачила-ри билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг ижобий хулосалари мавжуд бўлган ҳолда, 2019 йилнинг 6 ва 9 ойлиги яқунлари бўйича капитал қўйилмалар-нинг тежаб қолинган ёки фойдаланилмаган лимитларини, биринчи навбат-да, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурига киритилаётган тегишли ҳудуддаги сув таъминоти, канализация тизими, шунингдек, соғлиқни сақлаш ва таълим объектларини қуриш, ре-конструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича лойиҳаларни молиялаш-тиришга мақсадли йўналтирган ҳолда белгиланган тартибда қайта тақсим-лашни;

ҳар чоракда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10 санасига қадар ма-зкур қарор билан маъқулланган манзилли дастурларга киритилган лойиҳа-ларни молиялаштириш ҳолати тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Прези-денти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва Вазирлар Маҳ-камасига ҳисобот тақдим этишни;

зарур ҳолларда, харид қилиш тартиб-таомиллари яқунланганидан сўнг Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция да-стурида назарда тутилган маблағларнинг амалда ўзлаштирилишини ҳисобга олган ҳолда ва капитал қўйилмаларнинг параметрлари доирасида қурилишларнинг манзилли дастурларига аниқлаштириш ва тузатишлар киритилишини таъ-минласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқару-ви миллий агентлиги Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан бирга-ликда мазкур қарор билан маъқулланган манзилли дастурларга киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши юзасидан тизимли таҳлил ҳамда монито-ринг ўтказилишини ҳамда ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президен-ти Администрациясига маълумотлар киритилишини таъминласин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республи-касининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири-

нинг ўринбосари С.Р. Холмурадов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Г.К. Саидова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 19 декабрь,
ПҚ-4067-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

977 Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон халқининг умуммиллий бойлиги ҳисобланадиган маданий меросимизни муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш ва ундан фойдаланиш борасида мамлакатимизда қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларининг тарихий марказлари ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига, «Бойсун маданий муҳити», «Шашмақом мусикаси», «Наврўз», «Катта ашула», «Аския», «Палов маданияти ва анъаналари» номзодлари Инсоният номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига, Усмон Қуръони, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар тўплами, Хива хонлиги девонхонаси ҳужжатлари Жаҳон хотираси рўйхатига киритилгани юртимиз маданий меросининг дунё миқёсида эътироф этилганига ёркин мисол бўла олади.

Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизими янада такомиллаштирилди, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази ва Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ташкил этилди.

Шу билан бирга, моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш учун масъул органнинг ташкилий-штат тузилмаси соҳада давлат назоратини самарали ташкил этиш имконини бермаяпти.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 20 декабрда эълон қилинган.

Сохада фундаментал ва амалий тадқиқотларни ташкил этишда фан ва инновацион технологиялар ютуқларидан самарали фойдаланмаслик натижа-сида лойиҳалаш, реставрация-тиклаш ишлари моддий маданий мерос объект-ларининг ноёблигини сақлаб қолишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш, улардан оқилона фойдаланиш ва юртимизнинг сайёҳлик салоҳиятини оши-ришда уларнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш ҳамда моддий маданий мерос соҳасидаги давлат назоратини тубдан такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Маданий мерос объект-ларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси ҳамда унинг минтақалараро (минтақавий) давлат инспекцияла-ри негизида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузурида Мада-ний мерос департаменти (кейинги ўринларда Департамент деб юритилади) ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ташкил этилсин.

Департаментнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

моддий маданий мерос, шу жумладан, археология мероси объектлари, музей ашёлари ва коллекциялари ҳамда маданий бойликларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга оид қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастрини юритиш, тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган объект-ларни аниқлаш, уларни ҳужжатлаштириш ва давлат ҳисобига олиш, моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари тоифалари ва қўриқланадиган теғраларини белгилаш, шунингдек, улардан оқилона фойдаланилишини таъ-минлаш;

тарихий-маданий ва лойиҳа-смета ҳужжатларининг экспертизасини, моддий маданий мерос объектларининг тарихий-маданий қиммати ва ноёб-лигини асрашга доир ишларни путур етказмаган ҳолда амалга оширилиши бўйича узлуксиз илмий-техник назоратни олиб бориш;

алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ва жаҳон маданий ме-роси объектлари жумласига киритилган ҳудудларда шаҳарсозлик ва бошқа хўжалик фаолиятларини уларнинг тарихий-маданий муҳити, табиий ланд-шафти ва ўзига хослигини сақлаб қолган ҳолда олиб борилишини мувофиқ-лаштириш;

археология ашёлари давлат каталогини юритиш, археология тадқиқот-ларини амалга ошириш тартиби ва шартларига риоя қилиниши, археология ашёларининг ўз вақтида ҳисобга олинishi ва давлатга топширилишини на-зорат қилиш ҳамда уларни фан, маданият ва таълим муассасаларига бирик-тириш, шунингдек, археология тадқиқотлари бўйича илмий ҳисоботларни қабул қилиш, экспертизадан ўтказиш ва архивини йиғиш, археология ёд-горлигини консервациялаш ҳамда музейлаштириш;

миллий музей фондининг давлат каталогини юритиш, музей ашёлари ва коллекцияларини музей фонди тасарруфидан чиқариш ёки бошқа музей фондига ўтказиш, маданий бойликларни реализация қилиш учун рухсатно-

малар бериш, шунингдек, давлат томонидан муҳофаза рўйхатлари ва реестрларига киритилган маданий бойликлар, жумладан, музей ашёлари ва коллекциялари, қадимий ёзма манбаларнинг бут сақланишини ва ҳисоби юритилишини текшириш, миллий архив фонди бундан мустасно;

олимлар, халқ усталари, реставраторлар, экспертлар билан яқин ҳамкорлик қилиш, таъмиршуносликдаги ўзига хос услуб, анъана ва мактабларини ривожлантиришни, жамоатчилик назоратини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш;

моддий маданий мерос объектларини кенг тарғиб этиш ва оммалаштириш, соҳага давлат-хусусий шериклик механизмларини, инновацион ва илғор ахборот-коммуникация технологияларини самарали татбиқ этиш, электрон хизматларни ривожлантириш;

халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш, жумладан, молиявий институтларнинг грантлари, кредитлари ва ҳомийлик хайрияларини жалб этиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги музейлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи идоралараро кенгаш ҳамда Маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича Ҳукумат комиссияси тугатилсин, уларнинг вазифа ва функциялари Департаментга юклансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

а) Департамент юридик шахс ҳисобланади ва давлат муассасаси шаклида ташкил этилади;

б) Департамент бошлиғи лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг ўринбосари ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

в) бош меъмор ва бош инспектор Департамент бошлигининг ўринбосарлари ҳисобланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

г) Департамент:

моддий маданий мерос, жумладан, археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасида махсус ваколатли муассаса ҳисобланади;

ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига моддий маданий мерос объектлари соҳасида аниқланган қонун бузилиш ҳолатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритади;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош

бошқармасининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади, меҳнатга оид муносабатлар бундан мустасно;

д) моддий маданий мерос объектларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва аҳоли пункларининг бош режалари Департамент билан келишилиши мажбурий ҳисобланади.

4. 2019 — 2021 йилларда моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, илмий тадқиқ этиш, тарғиб қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни тубдан такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харитаси») 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги (Б.С. Сайфуллаев):

Молия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда «Йўл харитаси»да назарда тутилган тегишли тадбирларни молиялаштириш манбалари ва миқдорларини белгилаш бўйича ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиб борсин;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда соҳага имтиёзли хорижий кредитлар ва грантларни жалб қилиш бўйича халқаро молиявий институтлар ва хорижий донорлар билан тизимли ишлар олиб борсин.

6. Департамент қошида тарих, меъморчилик, моддий маданий мерос соҳасида илмий, амалий тажрибага эга бўлган 11 нафар олим ва юқори маънавият мутахассислардан иборат Илмий-эксперт кенгаш тузилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

Илмий-эксперт кенгаш таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади ва унга Департамент бошлиғи раҳбарлик қилади;

Илмий-эксперт кенгаш аъзоларига давлат суд экспертлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар татбиқ этилади;

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари ва уларнинг қўриқланадиган теграларида ер қазииш, ер тузиш, қурилиш, мелиорация ва бошқа хўжалик ишлари, асрашга доир ишларни амалга ошириш ҳамда илмий ва илмий-техник тадқиқотлар ўтказишга оид лойиҳалар Департамент томонидан Илмий-эксперт кенгаш билан келишилади ва унинг ҳулосаси Департамент учун мажбурий ҳисобланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва Молия вазирлигининг маблағлари қўйидагилар ҳисобига шакллантириладиган, юридик шахс мақомига эга бўлмаган Департаментнинг бюджетдан ташқари Маданий мерос жамғармасини (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

Департамент, унинг ҳудудий бошқармалари ва давлат музей кўриқхоналарига тегишли моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини ижарага беришдан тушган маблағларнинг 90 фоиз миқдори, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно;

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

давлат мулки бўлган бошқа ташкилотларга тегишли моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини ижарага беришдан тушган маблағларнинг 50 фоиз миқдори;

Департамент ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини тарихий-маданий экспертизасини ўтказишдан, шунингдек асрашга доир ишларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизаси ва илмий-техник назоратини амалга оширишдан тушган маблағлар;

моддий маданий мерос объектида асрашга доир ишларни амалга ошириш ва маданий бойликларни реализация қилиш учун рухсатномалар беришга тўланган йиғимлар;

моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузганлиги ҳамда моддий маданий мерос объектларини нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказганлиги учун тўланадиган жарималар;

давлат мулки ҳисобланган моддий маданий мерос объектларига етказилган зарарни қоплаш бўйича маблағлар;

конун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар.

8. Белгилансинки, Жамғарма маблағлари:

моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва асрашга доир ишларни амалга ошириш;

моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастрини, археология ашёлари ва миллий музей фондининг давлат каталогларини юритиш;

моддий маданий мерос объектларини илмий ва илмий-техник тадқиқ қилиш, археология объектларида қазилма ишларини олиб бориш, уларни кенг тарғиб этиш ва оммалаштириш;

Департамент ва ҳудудий бошқармаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, электрон хизматларни ривожлантириш;

экспертларни, жумладан, хорижий мутахассисларни жалб этиш, Илмий-эксперт кенгаш аъзолари, Департамент ва ҳудудий бошқармаларнинг ходимларини моддий рағбатлантириш;

конун ҳужжатларида белгиланган Департамент фаолияти билан боғлиқ бошқа тадбирларни амалга ошириш учун сарфланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Фанлар академияси ва Ўзбекистон Бадиий академиясининг:

Бухоро давлат бадиий-меъморий музей-қўриқхонаси, Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадиий музей-қўриқхонаси, Хива «Ичан қалъа» давлат музей-қўриқхонасини тегишлича «Бухоро», «Самарқанд», «Ичан қалъа» давлат музей-қўриқхоналари этиб қайта номлаш;

Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида тегишлича «Сармишсой», «Шаҳрисабз», «Термиз» ва «Кўкон» давлат музей-қўриқхоналарини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

10. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига тарихий-маданий қийматига кўра киритилган республикадаги ҳудудлар алоҳида муҳофаза қилина-

диган тарихий-маданий ҳудудлар ҳисобланади ҳамда уларда режалаштирилган қурилиш ва ободонлаштириш ишларининг лойиҳалари Департамент ҳамда ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси маркази билан мажбурий тартибда келишилган ҳолда амалга оширилади;

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларидан фойдаланиш тартибини белгилаш, ташриф буюрувчилар учун шароит яратиш билан боғлиқ масалалар мажбурий тартибда туризм соҳасида ваколатли давлат органи билан келишилади;

давлат кўчмас мулки ҳисобланган моддий маданий мерос объектларини оператив бошқарув ҳуқуқи асосида ёки текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида бириктириш Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида амалга оширилади;

археология қазилмалари табиий емирилиш, бошқа ҳаракат ва ҳолатлар хавфи остидаги ҳамда устувор илмий қимматга эга археология ёдгорликларида амалга оширилади ва уларнинг рўйхати Департамент томонидан эълон қилиб борилади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан асрашга доир ишлар амалга ошириладиган моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари рўйхати ҳар йили Департамент томонидан унинг ҳудудий бошқармалари таклифига асосан шакллантирилади;

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларида асрашга доир ишларни амалга оширишга ихтисослашган ташкилотларнинг рўйхати шакллантирилади ҳамда ушбу рўйхатдан танлов асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан асрашга доир ишларни амалга оширувчи ташкилотлар аниқланади;

фаол фуқаролар ихтиёрийлик ва танлов асосида маҳалла фуқаролар йиғинлари кенгашининг қарори билан моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш бўйича жамоатчи инспектор этиб тасдиқланади, уларнинг қонун ҳужжатлари бузилишига оид муурожаатлари Департамент ёки унинг ҳудудий бошқармалари томонидан мажбурий тартибда давлат назорати шаклида текширилади, бунда маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят аниқланса, жамоатчи инспекторлар Жамғарма маблағлари ҳисобидан пул мукофоти билан тақдирланади.

11. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги (Б.С. Сайфуллаев):

2019 йилнинг 1 февралига қадар Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги билан биргаликда моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларида асрашга доир ишларни амалга оширишга ихтисослашган ташкилотларнинг рўйхатини шакллантирсин ҳамда унинг доимий янгиланиб боришини таъминласин;

2019 йилнинг 1 апрелига қадар Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши билан биргаликда моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларига жамоатчи инспекторларни бириктириш чораларини кўрсин;

2019 йилнинг 1 июнига қадар Ўзбекистон Республикаси Фанлар акаде-

мияси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатини шакллантирсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Madaniyat va Ma'rifat» телеканали Департаментнинг моддий маданий мерос объектларини илмий асосларда тарғиб этиш ва аудиовизуал асарларни тайёрлаш бўйича бош ахборот ҳамкори сифатида белгилансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Ф.Ш. Маҳмудовга — пухта танлов асосида Департаментни юқори малакали, ташаббускор, маданий мерос масалалари бўйича зарур билим ва амалий тажрибага эга кадрлар билан тўлдирилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Б.С. Сайфуллаевга — «Йўл харитаси»ни амалга ошириш юзасидан вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда уларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилиши юзасидан тизимли мониторинг ўрнатилиши, Департамент фаолиятини самарали ташкил қилиш, мавжуд ташкилий-техник, молиявий, ҳуқуқий ва бошқа масалаларни ҳал этиш;

вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига — «Йўл харитаси»да назарда тутилган вазифаларнинг ижросини тўғри ташкиллаштирилиши ҳамда чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши чораларини кўриш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

Департамент фаолиятини ташкил этиш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини;

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосарлари Б.М. Мавлонов, Ф.Ш. Маҳмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 19 декабрь,
ПҚ-4068-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 19 декабдаги
ПҚ-4068-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига кiritилаётган ўзгартиришлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида»ги 2017 йил 18 январдаги ПҚ-2731-сон қарорининг 5-бандидаги «аҳолининг маданият ва дам олиш марказларидаги» сўзлари «маданият марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 2017 йил 15 февралдаги ПҚ-2778-сон қарорининг рус тилидаги матнида:

а) 1-иловада:

«Главное научно-производственное управление по охране и использованию объектов культурного наследия и его межрегиональные инспекции» блоки «Департамент культурного наследия и его региональные управления» блоки билан алмаштирилсин;

«Центры культуры и досуга населения» блоки «Центры культуры» блоки билан алмаштирилсин;

б) 2-илова* куйидаги тахрирда баён этилсин:

в) 5-иловада:

«Заведующий отделом — директор районного (городского) центра культуры и досуга населения» блоки «Заведующий отделом — директор районного (городского) центра культуры» блоки билан алмаштирилсин;

«Центры культуры и досуга населения (их филиалы) 5 — 14 ед.» блоки «Центры культуры (их филиалы) 5 — 14 ед.» блоки билан алмаштирилсин;

г) 7-илованинг «Отдел научно-методического обеспечения деятельности музеев, парков культуры и отдыха, центров культуры и досуга населения» блокидан «и досуга населения» сўзлари чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2017 йил 31 майдаги ПҚ-3022-сон қарори 1-бандининг тўртинчи хатбошисидаги «маданият ва аҳоли дам олиш масканлари» сўзлари «маданият марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маданият ва санъат соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 1 августдаги ПҚ-3892-сон қарори 6-бандининг иккинчи хатбошисидаги «маданият ва аҳоли дам олиш марказлари» сўзлари «маданият марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**978 Экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни
кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида*****[Кўчирма]**

Жорий йил мобайнида мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий соҳасида ташқи савдо ҳажми ва экспортни тизимли равишда жадал оширишга қаратилган таркибий ўзгаришлар амалга оширилди, хусусан, валюта сиёсати либераллаштирилди, маъмурий тўсиқлар бартараф этилди, экспорт қилинадиган мева-сабзавот маҳсулотлари учун нархларни шакллантириш ва тўловнинг бозор механизми жорий қилинди.

Товарлар (ишлар, хизматлар)ни, шу жумладан, комисионер (ишончли вакил) орқали реализация қилишдан тушган умумий тушумида экспорт улуши 15 фоиздан юқори бўлган юридик шахсларга юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган базани камайтириш имконияти берилди.

Шу билан бирга, амалга оширилаётган тадбирларнинг самарадорлиги устидан мунтазам равишда олиб борилаётган мониторинг ташқи савдо ва экспортнинг умумий ижобий динамикасига қарамасдан улар ҳажмларининг реал ўсиш суръатлари иқтисодиётни модернизация қилиш суръатларига мувофиқ эмаслигини кўрсатмоқда.

Биринчи навбатда рақобатбардош афзалликларга эга бўлган тармоқларда бир қатор тизимли муаммолар ва камчиликларнинг сақланиб қолаётганлиги экспорт ҳажмларининг салмоқли ўсишини таъминлашга тўсқинлик қилмоқда. Жумладан:

биринчидан, ишлаб чиқариш қувватларидан ва кенг турдаги хом ашё, шунингдек, меҳнат ресурслари мавжуд бўлган ҳамда ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминловчи афзалликлардан тўлиқ ҳажмда фойдаланилмаяпти;

иккинчидан, экспорт қилувчи корхоналар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш воситалари ривожланмаяпти, экспортolni ва экспортни молиялаштириш механизмлари мавжуд эмас;

учинчидан, чуқур маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, узоқ муддатли барқарор ташқи бозорларни шакллантириш ва хорижда ташқи савдо инфра-тузилмасини яратишга етарли даражада эътибор қаратилмаяпти;

тўртинчидан, ҳар хил хизмат турлари экспортини ташкил қилиш ва илгари суриш бўйича тизимли ишлар мавжуд эмас, уларни кўрсатиш учун зарур инфратузилма ривожланмаган.

Товарлар ва хизматлар экспорти ҳажмини тубдан ошириш, экспортбоп

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 21 декабрда эълон қилинган.

махсулотлар номенклатурасини кенгайтириш, ташқи савдо мувозанатини таъминлаш ва валюта тушумларини кўпайтириш мақсадида:

1. Тадбиркорлик субъектларига қўйидагиларда ҳар томонлама кўмаклашиш Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари, Ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, вазирликлар, идоралар, хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

юқори қўшилган қийматга эга экспортбоп рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, хизматлар (туристик, тиббий, таълим, транспорт, қурилиш ва бошқалар) экспорти ҳажмини кескин ошириш ҳамда уларни кўрсатиш учун тегишли инфратузилмани жадал барпо этиш;

ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни етказиб беришда ҳамкорларни излаш ҳамда ташкилотлар ва корхоналар билан шартномалар тузиш.

2. Ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Марказий банкнинг Экспортни қўллаб-қувватлаш миллий тизимини ташкил этиш ва унинг асосий вазифалари этиб қўйидагиларни белгилаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

а) экспорт фаолиятига ахборот-таҳлилий кўмаклашиш бўйича:

экспортни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш соҳасида давлат сиёсатини такомиллаштириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш бўйича давлат дастурларини амалга оширишда кўмаклашиш;

маркетинг, нарх шаклланиши, транспорт логистикаси, сертификатлаш, стандартлаштириш ва сифат назорати, солиқ ҳамда божхона маъмуриятчилиги (шу жумладан, хориждаги) масалалари, «ягона дарча» тамойили асосида ташқи бозорларга кириш шароитлари бўйича экспорт қилувчиларга ва уларнинг чет элдаги ҳамкорларига ахборот ва маслаҳат кўмагини кўрсатиш;

хорижий харидорни излашга ва экспорт шартномасини тузишга қадар музокаралар жараёнига, шу жумладан, уларнинг лойиҳаларини тайёрлашга кўмаклашиш;

республика вазирликлари ва идоралари, вилоятлар ҳамда туман ҳокимликлари билан миллий маҳсулотларни чет элга экспорт қилиш, экспорт қилувчиларни экспортни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар, мавжуд имтиёзлар ва преференциялар, ваколатли давлат органларининг вазифалари ва функциялари тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлашда тизимли ҳамкорликни таъминлаш;

худудларда ахборот-маслаҳат марказлари тармоғини ташкил этиш;

маҳаллий экспорт қилувчилар, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва хизматлар базасини таъминлаш орқали электрон ташқи савдо майдончаларини юритиш, ишлаб чиқариш ва экспорт фаолияти билан шуғулланадиган тадбиркорлик субъектларига етакчи халқаро электрон тижорат майдончаларига кириш учун ёрдам кўрсатиш;

ишончли сифатли маҳсулот етказиб берувчи сифатида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ҳалоллигини исботлаш учун, шу жумладан, ҳар йили «Made in Uzbekistan» миллий кўргазмасини, тармоқ ва минтақавий товар-

лар кўргазмалари ва савдо ярмаркаларини ўтказиш, халқаро кўргазмалар ва тақдимотларда иштирок этиш йўли орқали ўзбек брендлари ва маҳсулотларини хорижда илгари суриш бўйича «Made in Uzbekistan» дастурини амалга ошириш;

экспорт қилишни бошлаётганлар учун ўқув семинарлари ва тренинглар, тадбиркорлар учун хорижий мамлакатларга ташқи савдо масалалари бўйича савдо миссиялари ташкил этиш ва ўтказиш;

б) экспорт фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш қисмида:

экспорт қилувчи корхоналарни молиявий ресурслар билан таъминлаш, ноҳомашё экспорт ҳажми, миллий экспорт қилувчилар ва уларнинг маҳсулотларини сотиб оладиган мамлакатлар сонини оширишга кўмаклашиш;

кўргазма стендларини ташкил этиш ва республика корхоналарининг халқаро савдо ярмаркалари, тақдимотлари ва реклама кампанияларида иштирок этиши, шу жумладан, анъанавий миллий маҳсулотлар ва брендларни потенциал бозорларда илгари суришни молиялаштириш;

миллий маҳсулотларни хорижий ваколатли органлар томонидан расмийлаштирилиши орқали стандартлаштириш ва сертификатлаштиришнинг ҳам республикадаги, ҳам хориждаги халқаро тизимларини жорий этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш мақсадида экспорт қилувчи корхоналарга мақсадли молиявий ёрдам кўрсатиш;

молиявий қўллаб-қувватлаш ва миллий экспортни суғурталашнинг замонавий механизмларини муваффақиятли қўллаган хорижий мамлакатлар тажрибасини инобатга олиб, шу жумладан, халқаро молиявий институтларни жалб қилган ҳолда экспортни ва экспортни молиялаштириш, экспорт кредитлари ва таваккалчилигини суғурталаш механизмларини жорий этиш;

савдони молиялаштириш учун халқаро ва хорижий молия институтларининг қарзлари ва имтиёзли кредитларини жалб қилиш;

бошқа комплекс молиявий ва консалтинг хизматларини кўрсатиш.

3. Белгилансинки, Экспортни қўллаб-қувватлаш миллий тизимининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади.

4. Ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банк, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси негизида Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлигини ташкил этиш;

«Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясига экспорт кредитлари ва операцияларини суғурталаш вазифасини юклаш ва уни Ташқи савдо вазирлигига ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирини «Ўзагроэксспортбанк» акциядорлик тижорат банки Кузатув кенгашининг раиси этиб сайлаш;

Ўзбекистон Республикасининг хориждаги элчихоналари қошида савдо ваколатхоналарини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2019 йилдан бошлаб ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда 15 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдордаги маблағни Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлигига ажратишни кўзда тутсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги Молия вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Марказий банк билан биргаликда:

бир ой муддатда Экспортни қўллаб-қувватлаш миллий тизимининг фаолиятини ташкил этиш бўйича унинг самарали фаолият кўрсатиши доирасидаги тадбирларни молиялаштириш манбаларини, шунингдек, экспортчиларни молиявий қўллаб-қувватлаш ва экспорт жараёнида хатарларни суғурталаш механизмлари, экспортчиларни камситувчи чоралар, тариф ва нотариф тўсиқлардан ҳимоя қилишни назарда тутувчи таклифларни Вазирлар Маҳкамасига;

бир ҳафта муддатда «Ўзагроэксспортбанк» акциядорлик тижорат банкининг устав капиталини минимал талаб этилган даражага кўтариш бўйича таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Э.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 20 декабрь,
ПҚ-4069-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

979 Суриштирув, дастлабки тергов органлари ёки судга узрсиз сабабларга кўра келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича топшириқларни ижро этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, «Судлар тўғрисида», «Прокуратура тўғрисида» ҳамда «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, шунингдек, суриштирув, дастлабки тергов органлари ёки судга узрсиз сабабларга кўра келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича топшириқларни ижро этиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Суриштирув, дастлабки тергов органлари ёки судга узрсиз сабабларга кўра келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича топшириқларни ижро этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирасин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 15 декабрь,
1024-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 17 декабрда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 15 декабрдаги 1024-сон қарорига
ИЛОВА

**Суриштирув, дастлабки тергов органлари ёки судга
узрсиз сабабларга кўра келишдан бош тортган шахсларни
мажбурий келтириш бўйича топшириқларни ижро этиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом суриштирув, дастлабки тергов органлари ёки судга узрсиз сабабларга кўра келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш (кейинги ўринларда мажбурий келтириш деб аталади) бўйича топшириқларни ижро этиш тартибини белгилайди.

2. Мажбурий келтириш учун суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг мажбурий келтириш тўғрисидаги қарори ҳамда жиноят, маъмурий ёки фуқаролик ишлари бўйича суднинг ажрими асос ҳисобланади.

3. Мажбурий келтириш гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳнинг жиноят ишлари бўйича процессуал ҳаракатларда ёки суд мажлисида иштирок этишини таъминлаш учун, башарти улар узрсиз сабабларга кўра келишдан бош тортганлиги аниқланган тақдирда, қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 313-моддасига мувофиқ суд муҳокамасида иштирок этиши шарт бўлган ёки судга келиши ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда суд томонидан шарт деб топилган, тегишли тарзда хабардор қилинган шахс судга узрсиз сабабларга кўра келмаса ёхуд келмаганлиги сабабларини маълум қилмаса, суд томонидан унга нисбатан мажбурий келтириш тўғрисида ажрим чиқарилиши мумкин.

4. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 144-моддасига мувофиқ мажбурий келтириш вояга етмаганларга, ҳомиладор аёлларга, касаллиги, ёши ёки бошқа узрли сабабларга кўра суд мажлисига кела олмайдиган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Жиноят ишлари бўйича вояга етмаган шахсларни мажбурий келтириш уларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар орқали амалга оширилади. Ички ишлар органи ходими мажбурий келтиришни амалга ошираётганида келтирилиши лозим бўлган вояга етмаган шахснинг ота-онасини ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор (ажрим) билан таништириб, бу ҳақда имзо чектиради.

5. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчини олдиндан чақирувсиз мажбурий келтириш улар суриштирув, дастлабки тергов ва суддан яшириниб юрган ёки аниқ яшаш жойи бўлмаган тақдирда қўлланилиши мумкин.

Судланувчининг судга келмаганлиги сабабини олдиндан аниқламасдан

туриб, мажбурий келтиришга алоҳида ҳолларда, ишни кўриш судланувчи бўлмаганлиги сабабли кейинга қолдирилаётган ва бунда унинг турган жойи тўғрисида маълумот бўлмаган тақдирда ҳам йўл қўйилади.

2-боб. Мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор (ажрим)ни ижро этиш тартиби

6. Мажбурий келтириш тўғрисидаги суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими ушбу қарор ёки ажримда кўрсатилган муддатда ижро этилиши шарт.

Мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор (ажрим) иш юритиладиган жойдаги ёки мажбурий келтирилиши лозим бўлган шахснинг яшаш жойи, турган жойи, иш, хизмат ёхуд ўқиш жойидаги ҳудудий ички ишлар органига ижро учун юборилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 263-моддасига мувофиқ мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор (ажрим)да мажбурий келтирилиши керак бўлган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг процессуал мавқеи, яшаш ёки иш жойи, мажбурий келтириш учун асослар, шахсни қаерга ва қачон олиб келиш кераклиги, мажбурий келтириш кимга топширилганлиги кўрсатилган бўлиши лозим.

8. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 144-моддасига мувофиқ мажбурий келтириш тўғрисидаги ажримда қуйидагилар назарда тутилиши лозим:

ажримнинг чиқарилган вақти ва жойи;

суднинг номи, судьянинг фамилияси, исми ва отасининг исми, суд мажлисининг котиби;

ишда иштирок этувчи шахслар;

низо предмети ва ажрим билан ҳал қилинадиган масаланинг моҳияти;

суднинг ҳулосасига олиб келган асослар ва суд амал қилган қонунлар ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига ҳаволалар;

суднинг ҳал этилаётган масала юзасидан ҳулосаси;

ажрим устидан шикоят қилиш (протест келтириш) тартиби ва муддати.

Мажбурий келтириш тўғрисидаги ажримда ушбу банднинг иккинчи — саккизинчи хатбошиларида назарда тутилган маълумотлардан ташқари шахс мажбурий келтирилиши лозим бўлган сана, вақт ва жой, шунингдек, мажбурий келтириш қайси ҳудудий ички ишлар органига топширилганлиги кўрсатилади.

9. Мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор (ажрим) унда ушбу Низомнинг 7 ёки 8-бандларида кўрсатилган талаблардан бири мавжуд бўлмаган тақдирда, мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор (ажрим) ижрога қабул қилинмасдан, камчиликларни бартараф этиш учун йўлланма хат билан қарор (ажрим) чиқарган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга дарҳол юборилади.

10. Мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор (ажрим) келиб тушган куннинг ўзида ички ишлар органининг котибиятида юритилган махсус журнал-

да рўйхатга олиниши ва ички ишлар органи бошлиғи, у бўлмаганда унинг вазифасини вақтинча бажарувчи шахс томонидан ижро этиш учун профилактика (катта) инспектори ёки жиноят қидирув ходимига топширилиши ва ижроси назорат қилиниши лозим.

Мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор (ажрим)нинг ижросини таъминлаш мақсадида бошқа туман ёки вилоятга бориб келиш зарурати туғилганда бириктирилган ҳудудни ташлаб кетиш лозим бўлган ҳолатларда профилактика (катта) инспекторларига қарор (ажрим)ни ижро этиш учун топширилиши қатъиян тақиқланади.

11. Ички ишлар органи ходими мажбурий келтирилиши лозим бўлган шахсни мажбурий келтириш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган вақтда ва жойга олиб бориш чораларини кўриши шарт.

Ички ишлар органи ходими мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор (ажрим)ни ижро этишда шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига амал қилиши, унинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиши ҳамда мажбурий келтирилаётган шахсга унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши шарт.

12. Шахсни мажбурий келтириш соат 06:00 дан 22:00 гача бўлган вақт оралиғида амалга оширилади, ушбу Низомнинг 5-банди биринчи хатбошида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно.

13. Мажбурий келтирилиши лозим бўлган шахс топилган тақдирда, ички ишлар органи ходими унга мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор (ажрим)ни таништириб, тилхат олиши ва мазкур қарор (ажрим)ни чиқарган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга олиб келиши шарт. Бунда қарор (ажрим)га шахс топилган вақт ва жой, уни олиб келиб топширилган вақт, шунингдек, унинг мажбурий келтирилиши билан боғлиқ ариза, шикоят ва илтимослар ҳақидаги маълумотнома илова қилиниши лозим.

14. Мажбурий келтирилиши лозим бўлган шахс ўқиса ёки ишласа мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор (ажрим) унинг ўқиш ёки иш жойидаги маъмуриятига маълум қилинади ва ижросини таъминлашда амалий ёрдам кўрсатиши юзасидан кўрсатма берилади.

15. Мажбурий келтиришни ижро этиш вақтида қонуний талабларга қаршилик кўрсатилганда ички ишлар органи ходими қаршилик кўрсатган шахсга нисбатан «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ жисмоний куч, махсус восита ва ўқотар қуролни қўллаш ҳуқуқига эга.

Мазкур ҳолда баённома тузилади ва унда ҳуқуқбузарликнинг хусусияти, вақти ва жойи ҳамда шахсга нисбатан қўлланилган чоралар кўрсатилади. Жисмоний куч ва махсус восита қўлланилганлиги ҳақида икки кун муддатда, ўқотар қурол қўлланилганлиги ҳақида 24 соатда билдирги билан бирга баённома ички ишлар органи бошлиғига тақдим этилади. Бу ҳақда мажбурий келтириш тўғрисида қарор (ажрим) чиқарган суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд хабардор қилинади.

Жисмоний куч ишлатилганлиги ва махсус воситалар қўлланилганлиги оқибатида жисмоний шахсларнинг ҳаётига, соғлиғига ёки мол-мулкига, шунингдек, юридик шахсларнинг мол-мулкига зарар етказилган ҳар бир ҳолат

ҳақида, шунингдек, ўқотар қурол қўлланилган барча ҳолатлар тўғрисида прокурорга дарҳол хабар берилади.

16. Мажбурий келтирилган шахс суриштирувчига, терговчига, прокурорга ёки судга топширилганда улар томонидан шахс қабул қилиб олинганлиги ҳақида маълумотнома (баённома) нусхасига имзо қўйиб, тасдиқлайди.

17. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 264-моддасига мувофиқ ички ишлар органи шахснинг қочиб кетганлиги, таътилда, хизмат сафарида эканлиги, оғир касаллиги ёки бошқа сабабларга кўра йўқлиги оқибатида мажбурий келтиришга имкон бўлмаганлигини аниқласа, бу ҳақда маълумотнома тузади ҳамда қарорни ёки ажримни чиқарган суриштирувчи, терговчи, прокурорга ёхуд судга хабар беради.

Ушбу маълумотномада шахсни мажбурий келтиришга имкон бермаган ҳолатлар батафсил ёритилиб, мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор (ажрим)ни ижро этаётган ходим, маҳалла фуқаролар йиғини раиси, холислар ва бошқа иштирок этган шахслар томонидан имзоланади.

18. Мажбурий келтирилиши лозим бўлган шахс, чақирилган жойга оғир касаллиги туфайли бора олмаслигини маълум қилган тақдирда, унинг касаллиги ҳудудий соғлиқни сақлаш муассасаси томонидан белгиланган тартибда тасдиқланиши шарт.

Ҳудудий соғлиқни сақлаш муассасаси томонидан берилган тиббий маълумотнома шахсни мажбурий келтиришга имкон бўлмаганлиги муносабати билан тузилган маълумотномага илова қилиниши лозим.

19. Мажбурий келтирилиши лозим бўлган шахсни яшаш ёки иш жойидан топишнинг имкони бўлмай, ҳақиқий турар жойини аниқлаш учун вақт талаб этиладиган ҳолларда, мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор (ажрим) чиқарган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья бу ҳақида 5 кун муддатда хабардор қилинади.

4-боб. Мажбурий келтириш учун қилинган процессуал чиқимларни ундириш тартиби

20. Мажбурий келтириш билан боғлиқ харажатлар мажбурий келтирилган шахсдан суд тартибида давлат фойдасига ундирилади.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга чақирилганда келмаган процесс иштирокчисидан — ишнинг судда кўрилиши ёки тергов ҳаракатлари ўтказилиши унинг узрсиз сабабларга кўра келмаслиги оқибатида кечиктирилган ҳолларда ҳам процессуал чиқимлар суд тартибида давлат фойдасига ундирилади.

21. Мажбурий келтириш тўғрисидаги қарорни ижро этган ички ишлар органи ходими қилинган харажатлар ҳақидаги маълумотномани икки кун ичида ички ишлар органларининг молия бўлинмаларидан олиши ва ундириш чорасини кўриш учун суриштирувчига, терговчига, прокурорга ёки судга тақдим этиши шарт.

Мажбурий келтириш учун қилинган харажатлар ҳақидаги маълумотно-

ма ички ишлар органларининг молия бўлинмалари томонидан имзоланган ва гербли муҳр қўйилган бўлиши лозим.

22. Фуқаролик ва маъмурий ишлар бўйича суд муҳокамасига мажбурий келтириладиган шахснинг, шу жумладан, жиноят ишлари бўйича жабрланувчи ёки гувоҳнинг келиб кетиш, турар жойни ижарага олиш билан боғлиқ харажатларни тўлаш имкониятига эга эмаслиги тўғрисида тасдиқланган ҳужжатлар асосида ушбу харажатлар суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажримига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига қопланади.

23. Мажбурий келтириш билан боғлиқ харажатлар назоратни олиб боровчи прокурор томонидан берилган даъво аризаси асосида ҳам ундирилиши мумкин.

5-боб. Яқуний қоида

24. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ХУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

980 Аудиторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
15 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3101*

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги ва «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Бош прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти **қарор қилди:**

1. Аудиторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 14 ноябрь,
145-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 17 декабрда эълон қилинган.

**Бош прокуратура ҳузуридаги
Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаменти бошлиғи в.б.**

Д. РАХИМОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 14 ноябрь,
45-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Бош прокуратура
ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаментининг 2018 йил
14 ноябрдаги 145, 45-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Аудиторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан
олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни
молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни
молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги ва «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича профессионал хизматларни кўрсатувчи аудиторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги аудиторлик ташкилотларига улар бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича профессионал хизматларни кўрсатаётганида татбиқ этилади.

2. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланади:

бенефициар мулкдор — якуний натижада мулк ҳуқуқига эгалик қилувчи ёки мижозни ҳақиқатда назорат қилувчи жисмоний шахс, шу жумладан, манфаатини кўзланган ҳолда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операция амалга оширилаётган юридик шахс;

ички назорат — мижозлар номидан битимлар тайёрлаш ва уларни амалга оширишда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи аудиторлик ташкилотларининг, мижозни лозим даражада текшириш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ таваккалчиликларни

бошқариш, шубҳали операцияларни аниқлаш ҳамда террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришда иштирок этувчи ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар билан боғлиқ бўлган операцияларни аниқлашга доир фаолияти;

ички қоидалар — аудиторлик ташкилотлар ва унинг филиалларида ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилаб берувчи ички ҳужжат;

жинойъ фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликда иштирок этмайдиган давлатлар — жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чораларни ишлаб чиқиш гуруҳининг расмий баёнотларида халқаро молиявий тизимга хавф туғдирувчи ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тизимларида стратегик камчиликлари мавжуд деб белгиланган давлатлар ва ҳудудлар;

мижозни идентификациялаш — мижозни лозим даражада текшириш мақсадида мижоз тўғрисидаги маълумотларни унинг томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида аниқлаш;

мижознинг бенефициар мулкдорини идентификациялаш — қонун ҳужжатлари билан белгиланган таъсис ҳужжатлари (устав ва/ёки таъсис шартномаси, низом) асосида мулк ва бошқарув тузилмасини ўрганиш орқали мижознинг мулкдори ёки уни назорат қилувчи юридик шахсни аниқлаш;

мижоз — қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда аудиторлик ташкилоти билан бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича профессионал хизматларни кўрсатиш тўғрисида шартнома тузган юридик шахс;

террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахс — террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган, террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевоқиф ёки билвосита мулкдори бўлган ёхуд уни назорат қилаётган жисмоний ёки юридик шахс, шунингдек, террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкидаги ёки назорати остидаги юридик шахс;

оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахс — Ўзбекистон Республикаси томонидан тан олинган, оммавий қирғин қуролини тарқатишнинг олдини олишга қаратилган БМТ Хавфсизлик Кенгашининг резолюциялари ҳамда бошқа халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган жисмоний ёки юридик шахс;

мижозни лозим даражада текшириш — мижозни ва у қайси шахслар номидан иш кўраётганини текшириш, мижознинг бенефициар мулкдорини идентификациялаш, шунингдек, мижоз томонидан амалга оширилган амалий иш муносабатлари ва операцияларни, уларнинг бундай мижоз ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида доимий асосда ўрганишларни ўтказиш;

хабар қилиниши лозим бўлган операциялар — ички назоратни ўтказиш давомида аудиторлик ташкилотлари томонидан шубҳали деб топилган, содир этилаётган ва тайёрланаётган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар;

масъул ходим — ички назоратни ташкил қилиш ва амалга ошириш учун масъул бўлган шахс;

оффшор ҳудуд — имтиёзли солиқ режимини тақдим қилувчи ва (ёки) молиявий операцияларни амалга оширишда улар ҳақидаги маълумотларни ошкор этмасликни ва тақдим қилмасликни кўзда тутувчи давлатлар ва ҳудудлар;

Рўйхат — терроризмга, оммавий қирғин қуролини тарқатишга қарши курашишни амалга оширувчи давлат органлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа ваколатли органларидан тақдим этилаётган маълумотлар, шунингдек, чет давлатларнинг ваколатли органлари ва халқаро ташкилотларидан расмий каналлар орқали тақдим этилаётган маълумотлар асосида махсус ваколатли давлат органи томонидан тузилган террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхати;

шубҳали операция — пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, тайёрлаш, содир этиш жараёнида бўлган ёки содир этиб бўлинган, аудиторлик ташкилотларида мазкур Қоидаларни амалга ошириш жараёнида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш мақсадида амалга оширилганлиги тўғрисида шубҳа пайдо бўлган операция;

операцияни тўхтатиб туриш — миждознинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялари бўйича, шунингдек, юридик аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқномалари ижросини тўхтатиб туриш;

юқори мансабдор шахслар — чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида ёхуд халқаро ташкилотда доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ташкилий-бошқарув функцияларни бажарадиган ва юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни амалга оширишга ваколат берилган шахслар;

таваккалчилик — миждозлар томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ёки терроризмни молиялаштириш мақсадида операцияларни амалга ошириш таваккалчилиги;

ички назорат тизими — мазкур Қоидалар ва ички қоидалар билан белгиланган мақсадларга эришиш ва вазифаларни бажаришга қаратилган масъул ходим ва аудиторлик ташкилотининг хатти-ҳаракатлари йиғиндиси;

махсус ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти;

операция иштирокчилари — миждозлар (шу жумладан, таъсисчилар, акционерлар ва бошқа иштирокчилар) ва уларнинг вакиллари ҳамда миждознинг операцияда иштирок этувчи ҳамкорлари.

3. Қўйидагилар ички назоратнинг мақсади ҳисобланади:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қаратилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни самарали аниқлаш ва олдини олиш;

аудиторлик ташкилотларининг жиноий фаолиятга қасддан ёки қасддан бўлмаган ҳолда жалб этилишига йўл қўймаслик;

таваккалчиликларни аниқлаш, баҳолаш, ҳужжатларда қайд қилиш ва камайтириш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга оид қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш.

4. Қўйидагилар ички назоратнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ўз таваккалчиликларини аниқлаш, баҳолаш, ҳужжатлаштириш ва камайтиришга доир тегишли чораларни кўриш;

мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларини ва идентификациялаш жараёнларини амалга ошириш, шу жумладан, мижозлар ва уларнинг бенефициар мулкдорлари ҳақидаги маълумотларни мунтазам янгилаш ва верификациялаш;

бенефициар мулкдорларни идентификациялаш, уларнинг шахсини ўрғаниш бўйича имкон қадар чоралар кўриш;

юқори мансабдор шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари томонидан амалга оширилаётган операцияларни чуқур мониторинг қилиш;

мазкур Қоидалар ва ички қоидаларда белгиланган тартибда шубҳали операцияларни аниқлаш;

ички назоратни амалга ошириш давомида аниқланган шубҳали операциялар тўғрисидаги ахборотни (ҳужжатларни) махсус ваколатли давлат органига ўз вақтида тақдим этиш;

Рўйхат билан солиштириш орқали операция иштирокчилари орасида террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахсларни аниқлаш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек, идентификациялаш маълумотларини ва мижозларни лозим даражада текширишга доир материалларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар давомида сақланишини таъминлаш;

аудиторлик ташкилоти раҳбариятини тегишли қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган ишончли ахборот ва материаллар билан тезкор ва мунтазам равишда таъминлаб бориш;

шубҳали операцияларни амалга ошириш ёки амалга оширишга уринишлар, шубҳали операцияларни амалга оширган операция иштирокчилари тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш, шунингдек қонун ҳужжатла-

рига мувофиқ бундай ахборотни давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро алмашиб бориш;

сўровлар бўйича мижозлар базасидан Рўйхат билан солиштириш орқали террорчилик фаолиятини молиялаштиришга ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга алоқадор шахсларни аниқлаш.

2-боб. Ички назорат тизимини ташкиллаштириш

5. Аудиторлик ташкилотининг ички назорат тизими унинг фаолият кўрсатиш хусусиятлари, фаолиятининг асосий йўналишлари, мижозлар базаси ва мижозлар ҳамда уларнинг операциялари билан боғлиқ бўлган таваккалчилик даражасини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади.

6. Масъул ходим аудиторлик ташкилоти раҳбарининг буйруғи билан тайинланади. Мазкур Қоидаларнинг 1-иловасига мувофиқ аудиторлик ташкилоти ўзининг масъул ходими ва мазкур Қоидалар талабларининг бажарилиши тўғрисидаги маълумотни ҳар йили 10 январга қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига юборади.

7. Масъул ходим раҳбарлик лавозимини эгаллаган ва аудиторлик ташкилотининг штатдаги аудитори бўлиши лозим.

8. Масъул ходим лавозимига тайинланувчи шахс аудиторлик фаолияти ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга оид қонун ҳужжатлари ҳамда ушбу соҳадаги халқаро стандартларни билиши шарт.

9. Ўз фаолияти ва шахсий хулқ-атворида ишониб топширилган бўлини мани нотўғри бошқарган, шунингдек, иқтисодиёт соҳасидаги жинояти учун аввал суд томонидан жиноий жавобгарликка тортилган шахслар масъул ходим лавозимига тайинланиши мумкин эмас.

10. Масъул ходимларнинг сўнги янгиликларга, жумладан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг, терроризмни молиялаштиришнинг ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришнинг замонавий усуллари, услублари ва йўналишлари ҳақидаги ахборотга эга бўлишларини таъминлаш ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги қонун ҳужжатлари ва мажбуриятларнинг барча жиҳатларини аниқ тушунтириб бериш мақсадида аудиторлик ташкилотлари мунтазам равишда ходимларни қайта тайёргарликдан ўтказишлари шарт.

11. Масъул ходим қўйидаги функцияларни бажаради:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва/ёки терроризмни молиялаштириш учун аудиторлик ташкилоти хизматларидан фойдаланиш хавфининг олдини олиш учун қонун ҳужжатларида, мазкур Қоидаларда ва ички қоидаларда кўзда тутилган чораларни кўриш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга оид қонун ҳужжатлари, ушбу Қоидалар ва ички қоидалар талабларига риоя қилиниши назоратини амалга оширади;

жинойй фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга оид қонун бузилиш ҳолатлари тўғрисидаги ахборотни аудиторлик ташкилотининг раҳбарига тақдим этади;

аудиторлик ташкилоти фаолиятида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, мазкур Қоидалар ва ички қоидалар талабларига риоя қилинмаганлиги бўйича аниқланган камчилик ва қоидабузарликларни бартараф этиш юзасидан аудиторлик ташкилотининг раҳбарига кўриб чиқиши учун таклифлар киритади;

аудиторлик ташкилотининг раҳбарига ушбу Қоидалар бажарилиши натижалари тўғрисидаги ҳисоботни камида бир йилда бир маротаба тақдим этади;

шубҳали операциялар, уларни бажаришга уринишлар тўғрисидаги хабарларни махсус ваколатли давлат органига ўз вақтида узатилишини, шунингдек, махсус ваколатли давлат органининг қўшимча ахборотни тақдим этиш тўғрисидаги сўровларининг бажарилишини таъминлайди;

ички назоратни ташкил қилиш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва махсус ваколатли давлат органининг масъул шахслари билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширади;

Рўйхатни аудиторлик ташкилоти ходимларига етказди.

12. Масъул ходим қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ички назоратни амалга ошириш мақсадида аудиторлик ташкилоти ходимларидан керакли бошқарувчилик, бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиш;

аудиторлик ташкилотининг раҳбарига хабар қилиниши лозим бўлган операцияга нисбатан келгуси хатти-ҳаракатлар бўйича таклифлар киритиш.

Масъул ходим қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13. Масъул ходим қуйидагиларга мажбур:

ўз ваколати доирасида мазкур Қоидалар ва ички қоидалар билан юклатилган мақсадларга эришиш ва вазифаларни бажариш учун зарур чораларни кўриш;

жинойй фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга оид ўз таввақалчиликларини аниқлаш ва баҳолаш бўйича тегишли чораларни кўриш, бу таввақалчиликларни ҳужжатларда қайд қилиш ва уларни камайтириш чораларини кўриш;

мижозларни лозим даражада текшириш ва идентификациялаш ҳамда Рўйхат билан солиштиришни таъминлаш бўйича чораларни кўриш;

бенефициар мулкдорларни аниқлаш ва идентификациялашни таъминлаш бўйича тегишли чораларни кўриш;

махсус ваколатли давлат органига белгиланган тартибда шубҳали операциялар тўғрисида, шу жумладан, улар аниқланган кундан кейинги бир иш

кунидан кечиктирмай уларни амалга оширишга уринишлар тўғрисида хабарларни бериб бориш;

олинган ахборотнинг махфийлигига риоя қилиш;

ички назоратни амалга ошириш давомида олинган ҳужжатларнинг сақланишини ва қайтарилишини таъминлаш;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни бажариш.

14. Аудиторлик ташкилотлар мазкур Қоидалар талабларидан келиб чиққан ҳолда, қўйидагилар акс этган ички қоидаларни ишлаб чиқишлари лозим:

таваккалчиликларни аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, камайтириш ва ҳужжатлаштиришга доир чораларни амалга ошириш тартиби;

мижозларни ва уларнинг бенефициар мулкдорларини лозим даражада текшириш, шунингдек, мижозлар операцияларининг мунтазам назоратини амалга ошириш қоидалари;

керакли ахборотни расмийлаштириш ва унинг махфийлигини таъминлаш тартиби;

шубҳали операцияларни аниқлаш тартиби, шунингдек, бундай операциялар тўғрисидаги хабарларни тайёрлаш ва махсус ваколатли давлат органига юбориш тартиби;

кадрларни тайёрлаш ва ўқитишга қўйиладиган малакавий талаблар;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш мақсадида технологик ютуқлардан фойдаланилишининг олдини олишга қаратилган чоралар;

юқори мансабдор шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари билан амалий иш муносабатларини ўрнатиш ҳамда улар томонидан ўтказиладиган операцияларини мониторинг қилиш тартиби;

юқори таваккалчилик даражаси тоифасига киритилган мижозларнинг ҳисобини юритиш ва мониторинг қилиш ҳамда бундай мижозлар операцияларини мониторинг қилиш тартиби;

конун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар.

15. Ички қоидалар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга оид конун ҳужжатлари, мазкур Қоидалар талабаларига мувофиқ бўлиши ва аниқланган таваккалчиликлар ва уларнинг баҳосидан келиб чиқиб тузилиши лозим. Ички қоидалар, уларга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар аудиторлик ташкилотининг раҳбари томонидан тасдиқланади.

16. Чет эл аудиторлик ташкилоти алоҳида бўлинмалари (агар мавжуд бўлганда) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларни амалга оширишда улар жойлашган мамлакат талабаларига риоя қилишлари лозим, мазкур талаблар Ўзбекистон конунчилиги талабларидан фарқ қилган тақдирда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартларни қўллаши лозим.

17. Аудиторлик ташкилоти ўзининг хориждаги алоҳида бўлинмаларидан мазкур ажратилган бўлинмалар жойлашган мамлакат қонунчилигидаги тақиқлар туфайли жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича тегишли тадбирларни амалга ошириш мумкин бўлмаган ҳолатлар тўғрисида бош офисни хабардор қилишни талаб қилишга мажбурдир.

3-боб. Мижозларни лозим даражада текшириш

18. Аудиторлик ташкилотлари мижозларни лозим даражада текшириш чораларини кўришлари керак.

Мижозни лозим даражада текшириш чоралари барча янги мижозлар ҳамда таваккалчилик даражасидан келиб чиқиб бор мижозларга нисбатан кўрилади.

19. Мижозни лозим даражада текшириш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

мижоз билан амалий иш муносабатлари амалга оширилаётганда;

бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича профессионал хизматларни кўрсатиш учун мижозлар билан шартномалар тузишда;

шубҳали операциялар амалга оширилаётганда;

аудиторлик фаолияти стандартлари талабларига мувофиқ ажратиб бўлмайдиган ва назорат таваккалчилигини баҳолашда;

мижоз ҳақида аввал олинган маълумотларнинг тўғрилигига шубҳа мавжуд бўлганда;

операция амалга ошириш кундаги энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 400 баравари миқдоридан ортиқ бўлган бир марталик операциялар амалга оширилганда.

20. Мижозни лозим даражада текшириш бўйича кўриладиган чора-тадбирлар қуйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

тегишли ҳужжатлар асосида мижознинг ва у қайси шахслар номидан иш кўраётганлигини текширишни;

мижознинг бенефициар мулкдорини идентификациялашни;

мижоз томонидан амалга ошириладиган амалий иш муносабатлари ва операцияларни уларнинг бундай мижоз ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида доимий асосда ўрганиш ўтказишни.

21. Мижозни лозим даражада текшириш бўйича мазкур Қоидаларнинг 20-бандида кўрсатилган чораларни кўриш билан бирга, операция иштирокчиси ёки бенефициар мулкдор сифатида қатнашаётган юқори мансабдор шахсларга ва уларнинг яқин қариндошларига нисбатан аудиторлик ташкилотлари:

юқори мансабдор шахснинг мавқеи тўғрисидаги маълумотларни текшириш ва ўтказилаётган операциядаги пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк манбаларини аниқлаш бўйича тегишли чораларни кўриш;

юқори мансабдор шахс билан амалий иш муносабатларига фақатгина аудиторлик ташкилотларининг раҳбарияти рухсати билан ўрнатиш;

амалий иш муносабатларини мониторинг қилиб бориши лозим.

22. Мижозларни лозим даражада текшириш бўйича кучайтирилган чоратадбирлар қўйидагилардан иборат:

мижоз ҳақида очиқ манбалар ва маълумотлар базаларидан қўшимча тасдиқланган маълумотларни тўплаш ва қайд этиш;

мижоздан у томонидан амалга оширилаётган операциялар бўйича пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг манбалари ҳақидаги маълумотларни олиш;

мижоз томонидан амалга оширилаётган операциялар устидан доимий мониторинг юритиш.

23. Мижознинг бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича профессионал хизматларни кўрсатиш тўғрисида шартнома тузиш учун мурожаат қилишида аудиторлик ташкилоти қўйидагиларни бажаришга мажбур:

ушбу Қоидалар ва жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга оид қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ операция бўйича мијозни ва/ёки бенефициар мулкдорни идентификациялаш;

аввалги ҳисобот даври (ой, йилнинг чораги, ярим йиллик, йил) давомида мијознинг илгари ўтказган операцияларини ўрганиш, агар ихтиёрида бундай операциялар тўғрисида маълумотлар бўлса;

операциянинг турини ва унинг мијознинг таъсис ҳужжатларида белгиланган фаолияти мақсади ва турларига мувофиқлик даражасини аниқлаш;

аниқ иқтисодий моҳиятга эга бўлмаган, мијознинг лозим даражада текшириш материалларига илова қилинадиган мијознинг таъсис ҳужжатларида ёки давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномада кўзда тутилган унинг фаолияти мақсадларига ва турларига мос келмайдиган барча операциялар бўйича лозим даражада текшириш натижалари ва хулосаларини ёзма қайд қилиш.

24. Мижоз ва мијознинг бенефициар мулкдорини идентификациялаш мазкур Қоидаларнинг 2-иловасида назарда тутилган ахборот асосида амалга оширилади.

Идентификация натижаси фамилияси, исми ва отасининг исмини кўрсатган ҳолда масъул ходим томонидан алоҳида журналга киритилади.

25. Мижозни идентификациялашда давлат рўйхатига олинганлиги, раҳбарлари тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, таъсис ҳужжатларида кўрсатилган маълумотлар текширилиши керак.

Кўрсатилган ҳужжатларни тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйиш автоматлаштирилган тизими орқали ёки ушбу тизимдан ахборот олишнинг имкони бўлмаган ҳолда бевосита мијоздан олиш мумкин.

26. Мижозни ва операциянинг бошқа иштирокчиларини идентификациялаш имконини берувчи барча ҳужжатлар улар тақдим этилган санада амалда бўлиши шарт.

Мижоз ёки бенефициар мулкдорни идентификациялаш билан бир қаторда амалий иш муносабатлар тўғрисидаги маълумотлар ўрганилади.

27. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига нисбатан миждозларни лозим даражада текшириш чора-тадбирларининг ўтказилиши талаб қилинмайди.

28. Аудиторлик ташкилотлари қўйидаги ҳолларда миждозга бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича профессионал хизматларни кўрсатишни рад этади: миждозни лозим даражада текшириш чораларини қўллаш имкони бўлмаганда;

идентификациялашни тугатиш имкони бўлмаган ёки лозим даражада текшириш натижалари бўйича у билан ишга оид муносабатларни ўрнатиш мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатувчи маълумотлар олинган ҳолда;

атайин нотўғри бўлган ҳужжатлар тақдим этилганда ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ сўраладиган ҳужжатлар тақдим этилмаганда;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Миждозлар рад этилган ҳолларда аудиторлик ташкилотлари махсус ваколатли давлат органига хабар юборишлари керак.

4-боб. Таваккалчилик даражасини аниқлаш ва баҳолаш

29. Аудиторлик ташкилотлари таваккалчилик даражасини аниқлаши, шунингдек, уни пасайтириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши керак.

Таваккалчилик даражаси миждознинг фаолияти ва амалга оширадиган операциялари турларини инобатга олган ҳолда миждоз тақдим қилган маълумотлар, мазкур Қоидаларда белгиланган мезонлар ва миждозни лозим даражада текшириш натижалари асосида масъул ходим томонидан аниқланади ва баҳоланади.

Мазкур банднинг иккинчи хатбошида белгиланган талаблар асосида миждозга жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш мақсадида операцияларни бажаришнинг тегишли (юқори ёки қуйи) таваккалчилик даражаси берилади.

30. Юқори даражадаги таваккалчилик тоифасига олдиндан қўйидаги мезонларга тўғри келадиган операция иштирокчилари киритилиши керак:

а) Рўйхатга киритилган шахслар ёхуд Рўйхатга киритилган шахснинг эгаллиги ёки назоратидаги шахслар ёхуд Рўйхатга киритилган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори бўлган ёки уни назорат қилувчи шахслар;

б) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатда ёхуд оффшор ҳудудда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахслар;

в) чет эл корхоналарининг ваколатхоналари ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бўлмаган жисмоний шахслар;

г) оффшор ҳудудларда ҳисобвараққа эга бўлган шахслар;

д) бенефициар мулкдори мазкур банднинг «а» ва/ёки «б» кичик бандларида кўрсатилган шахс ҳисобланган ташкилотлар;

е) мунтазам равишда (уч ой ичида кетма-кет) шубҳали операцияларни амалга оширган мижозлар;

ж) юқори мансабдор шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари;

з) ички қоидаларда белгиланадиган бошқа шахслар.

31. Операция юқори даражадаги таваккалчилик тоифасига киритилган тақдирда, аудиторлик ташкилотлари ушбу мижозга нисбатан лозим даражада текширишнинг кучайтирилган чора-тадбирларини кўришлари ва доимий мониторинг қилиб боришлари шарт.

32. Мижоз томонидан амалга оширилаётган операцияларнинг хусусияти ўзгаришига қараб, аудиторлик ташкилотлари мижозни лозим даражада текшириш натижалари бўйича тўпланган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда таваккалчилик хавфи даражасини қайта кўриб чиқишлари лозим.

33. Аудиторлик ташкилотлари ички қоидаларда белгиланган тартибда юқори таваккалчилик даражаси тоифасига киритилган барча мижозларнинг (операция иштирокчиларининг) ҳисобини юритишлари керак. Юқори таваккалчилик даражаси тоифасига киритилган барча мижозлар (операция иштирокчилари) тўғрисидаги маълумотлар махсус журналга киритилади.

34. Аудиторлик ташкилотлари жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш мақсадида технологик ютуқлардан фойдаланилишининг олдини олишга қаратилган чораларни кўришлари керак. Ушбу мақсадда аудиторлик ташкилотлари хизматларини кўрсатиш учун янги ёки ривожланаётган технологиялардан фойдаланилиши сабабли юзага келиши мумкин бўлган таваккалчилик даражаларини аниқлашлари ва баҳолашлари керак. Таваккалчиликни бундай баҳолаш янги ёхуд ривожланаётган технологиялардан фойдаланишдан аввал ўтказилиши керак.

5-боб. Шубҳали операциялар мезонлари ва аломатлари ҳамда уларни аниқлаш тартиби

35. Қуйидаги мезон ва аломатлар мавжуд бўлганда операция шубҳали деб топилади:

операцияни амалга ошириш учун тақдим қилинган ҳужжатларнинг ҳақиқийлигига (ишончлилигига) гумон туғилиши ва (ёки) операция тўғрисидаги, шу жумладан, операция бажарувчи томонларнинг бири ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлган маълумотларга мувофиқ келмаслиги;

операция аниқ иқтисодий моҳиятга эга эмаслиги ва мижоз фаолиятининг тавсифи ва фаолият турига мувофиқ келмаслиги;

мижоз томонидан зарурат туфайли сўралаётган, шу жумладан, ишонч билдирувчи (агар мижоз ишончли вакил сифатида иш юритаётган бўлса) ҳақидаги маълумотларни тақдим этишнинг сабабсиз рад этилиши;

ҳисобга олинмаган молия-хўжалик операциялари мавжуд бўлганда ва ҳисоб-китоб ҳужжатлари белгиланган муддатлардан олдин йўқ қилинганда;

мижозга нисбатан мазкур Қоидаларда кўрсатилган чоралар асосли қўлла-

нилаётганда, мижоз ташаббуси билан дарҳол амалий иш муносабатларининг тўхтатилиши;

идентификациялашни яқунлашнинг имкони бўлмаслиги ёки лозим даражада текшириш натижаларига кўра, мижоз билан амалий иш муносабатларини ўрнатиш мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатиб турадиган маълумотларнинг олиниши;

мижоз хизмат кўрсатишнинг фойдалироқ шартларига нисбатан эътиборсиз бўлиши, шунингдек, мижоз томонидан айна турдаги хизматлар кўрсатишдаги оддий тўловдан фарқ қиладиган юқори мукофотнинг таклиф қилиниши;

пул маблағлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига оффшор ҳудудларда доимий яшовчи ёки рўйхатга олинган шахсларнинг фойдасига ўтказилиши;

операциянинг иштирокчиларидан бири жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахс бўлса;

қонун ҳужжатлари билан белгиланган назорат жараёнидан қочишга қаратилган деган хулосани чиқаришга асос бўладиган операциялар ёки битимларнинг бир неча бор амалга оширилганлиги аниқланганда;

операцияни амалга оширишда фойдаланилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулклар жиноий йўл билан топилган деган ҳар қандай шубҳанинг мавжуд бўлиши.

36. Идентификациялаш жараёнида олинган маълумотлар, шунингдек, мижозга берилган таваккалчилик даражаси операцияни мониторинг қилишга асос бўлиб ҳисобланади.

37. Мижозни идентификациялаш ва улар операцияларининг жорий текшируви лавозим мажбуриятларига мувофиқ аудиторлик ташкилотининг ходими томонидан ўтказилади, у шубҳали операциялар аломатлари мавжуд операцияларни аниқлаган тақдирда бундай операциялар ҳақида бевосита масъул ходимига зудлик билан хабар бериши лозим.

38. Мижоз операцияларининг кейинги текшируви масъул ходим томонидан жорий текширув жараёнида аниқланмайдиган шубҳали операцияларни аниқлаш мақсадида, мижознинг ўтган давр мобайнида бажарган операцияларини таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

Асосли шубҳалар мавжуд бўлган тақдирда масъул ходим мижоз операциясини шубҳали деб ҳисоблаш тўғрисида ёзма қарор қабул қилади.

39. Операцияни шубҳали деб тан олиш ҳар бир аниқ ҳолатда ушбу Қоидалар билан ўрнатилган шубҳалилик мезонларидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган комплекс таҳлил асосида, шунингдек, мижознинг туридан, операция мақсадлари ва ҳажмидан аниқланадиган таваккалчиликдан келиб чиққан ҳолда ва шубҳали операцияни тўғри аниқлаш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатлар асосида амалга оширилади.

40. Мижоз операцияси шубҳали деб тан олингандан сўнг масъул ходим қуйидаги чораларни кўриши керак:

мижознинг операциялари устидан мониторингни кучайтириш;
мижоз тўғрисида қўшимча маълумот олиш;
мижознинг таваккалчилик даражасини қайта кўриб чиқиш;
операция ҳақидаги маълумотларни махсус журналга қайд этиш;
шубҳали операция тўғрисида махсус ваколатли давлат органига хабар берилишини таъминлаш;

конун ҳужжатларига ва мижоз билан тузилган шартномага мувофиқ у билан муносабатларни тўхтатиш бўйича аудиторлик ташкилотининг раҳбарига таклиф киритиш.

41. Шубҳали операция ҳақидаги хабар аудиторлик ташкилоти томонидан шубҳали операция аниқланган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 12 октябрдаги 272-сон қарори билан тасдиқланган Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ махсус ваколатли давлат органига берилади.

42. Аудиторлик ташкилотлари тегишли операцияга нисбатан шубҳали эканлигини тасдиқловчи ёки олиб ташловчи ҳар қандай маълумотни дарҳол махсус ваколатли давлат органига хабар қилиши зарур.

**6-боб. Террорчилик фаолияти ёки оммавий қирғин
қуролини тарқатишда қатнашаётган ёки қатнашишда
гумон қилинаётган шахслар, Рўйхатига киритилган шахслар
иштирокидаги операциялар аниқланганда амалга
ошириладиган чора-тадбирлар**

43. Бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича профессионал хизматларни кўрсатувчи аудиторлик ташкилотлари мижоз, мижознинг бенефициар мулкдори ва операция иштирокчиларининг идентификация маълумотларини Рўйхат билан солиштиришлари шарт.

Агар мижоз билан амалий иш муносабатларни ўрнатиш даврида ёки пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширишда аудиторлик ташкилоти ходимлари томонидан мижоз, мижознинг бенефициар мулкдори ёки операция иштирокчиларидан бирининг барча идентификация маълумотлари Рўйхатга киритилган шахснинг маълумотлари билан тўлиқ мос келганлиги аниқланган тақдирда, улар бу ҳақда зудлик билан ва мижозни хабардор қилмасдан масъул ходимга хабар беришлари керак.

Ўз навбатида масъул ходим операция иштирокчиларидан бири ва амалга ошириладиган операциянинг идентификация маълумотларини махсус журналга киритиши, шунингдек, махсус ваколатли давлат органига хабар юбориши лозим.

44. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар кечиктирилмасдан ва олдиндан хабар қилинмасдан махсус ваколатли давлат органига хабар берилиши лозим, агарда:

мижоз ёки операция иштирокчиларидан бирининг барча идентификация маълумотлари Рўйхатга киритилган шахснинг маълумотлари билан тўлиқ мос келса;

мижоз Рўйхатга киритилган шахс номидан ёки унинг топшириғига биноан фаолият кўрсатаётган бўлса;

операцияни амалга оширишда фойдаланаётган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк тўлиқ ёки қисман Рўйхатга киритилган шахсга тегишли бўлса;

мижоз Рўйхатга киритилган жисмоний ёки юридик шахснинг мулкида ёки назорат остида бўлса.

45. Операцияни тўхтатиш ва тиклашни Террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатида киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб қўйилган, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулқидан фойдаланишга рухсат бериш ва операцияларини тиклаш тартиби тўғрисидаги низомда (рўйхат рақами 2833, 2016 йил 11 октябрь) белгиланган тартибда амалга оширади.

7-боб. Махсус ваколатли давлат органининг сўровларини бажариш

46. Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ махсус ваколатли давлат органи жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш чораларини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни ёзма равишда сўрашга ва бепул олишга ҳақлидир, шу жумладан, аудиторлик ташкилотларининг автоматлаштирилган ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари орқали олишга ҳақлидир.

47. Махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган операциялар бўйича қонун ҳужжатларига ва мазкур Қоидаларга мувофиқ махсус журналга ёзган ҳолда қуйидагилар расмийлаштирилади:

операция тури ва уни амалга ошириш асослари;

операцияни амалга ошириш санаси ва суммаси;

операцияни амалга оширувчи мижозни идентификациялаш учун зарур бўлган маълумотлар.

8-боб. Ахборот ва ҳужжатларни расмийлаштириш, сақлаш, махфийлигини таъминлаш

48. Аудиторлик ташкилотлари пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек, мижозларни лозим даражада текшириш бўйича идентификациялаш маълумотлари ҳамда материалларини, шу жумладан, иш ёзишмаларини қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар мобайнида, лекин операция амалга оширилганидан ёки

мижоз билан муносабатлар тўхтатилганидан кейин беш йилдан кам бўлмаган муддатда сақлашлари шарт.

Сақлаш муддатлари тугаши билан ҳужжатлар белгиланган тартибда архивга топширилади.

49. Мижозни лозим даражада текшириш жараёнида олинган мижоз тўғрисидаги маълумотлар мазкур Қоидаларнинг 3-иловасига мувофиқ шакл бўйича тузиладиган мижоз сўровномасида қайд этилади. Аудиторлик ташкилоти ички қоидаларга мувофиқ мижоз сўровномасига бошқа маълумотларни киритиш ҳуқуқига эга.

50. Электрон шаклда тўлдирилган мижоз сўровномаси қоғоз шаклида чиқарилганда масъул ходим имзоси билан тасдиқланади.

51. Мижозлар сўровномалари хронологик тартибда алоҳида жилдларда тикиб борилади ва масъул ходимда сақлаб борилади.

52. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ва мижозларни лозим даражада текширишга доир ахборот, зарурат туғилган тақдирда, операция тафсилотларини қайта тиклаш ва ахборотдан махсус ваколатли давлат органи фойдаланиши мумкин бўлган тарзда расмийлаштирилиши лозим.

53. Мижозни лозим даражада текшириш ва идентификациялаш натижасида олинган маълумотлар, аудиторлик ташкилотлари мижоз томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришни амалга ошириш таваккалчилиги юқори деб баҳолаган тақдирда камида бир йилда бир маротаба, бошқа ҳолларда камида уч йилда бир маротаба ва мижоз маълумотларида ўзгаришлар бўлганда янгиланиб борилиши лозим.

54. Масъул ходим фаолиятида фойдаланилган барча ҳужжатларга кириш имкониятини чеклаш мақсадида бундай ҳужжатлар ва уларнинг рўйхати бевосита масъул ходим томонидан махсус жиҳозланган хонада ёки ёнмайдиган ва муҳрланадиган сейфда сақланиши керак.

55. Электрон шаклдаги ҳужжатлар дастурлаш йўли асосида архивлаштирилиши, электрон ахборот ташувчи воситаларга ёзилиши ва масъул ходим томонидан уларнинг рўйхати билан бирга ёнмайдиган ва муҳрланадиган сейфда сақланиши керак.

56. Аудиторлик ташкилотлари:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборотга кириш имкониятини чеклайдилар, унинг тарқалиб кетмаслигини таъминлайдилар ҳамда юридик шахсларга уларнинг операциялари ҳақида махсус ваколатли давлат органига хабар берилганлиги тўғрисида маълум қилиш ҳуқуқига эга эмаслар;

ички назорат функцияларини амалга ошириш жараёнида олинган ахборотни ўз ходимлари томонидан ошкор қилмасликни (шахсий мақсадлари ёхуд учинчи шахслар манфаатлари учун фойдаланмаслигини) таъминлайдилар.

9-боб. Яқуний қоидалар

57. Аудиторлик ташкилотлари томонидан мазкур Қоидалар талабларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

58. Аудиторлик ташкилоти раҳбари ва масъул ходими мазкур Қоидаларни бузганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

59. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳолларини яширишда, шунингдек, мазкур Қоидалар талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Аудиторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига
1-ИЛОВА

**Аудиторлик ташкилоти масъул ходими ва ички
Қоидаларнинг амалга оширилиши тўғрисидаги
МАЪЛУМОТЛАР**

(аудиторлик ташкилоти номи)

1. Исми, шарифи, отасининг исми, лавозими, телефон.

2. Масъул шахс этиб тайинланганлиги тўғрисидаги буйруқ санаси ва рақами.

3. Аудиторлик ташкилоти томонидан ўтган йил учун бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича кўрсатилган хизматлар тўғрисида маълумот:

а) мижоз номи;

б) хизмат кўрсатиш даврининг муддати;

в) хизмат суммаси;

г) хизмат кўрсатишда аудиторлик ташкилотининг функциялари;

д) бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича хўжалик операцияларини амалга оширишга кўрсатиладиган хизматларнинг қонунийлигини ва хизмат кўрсатиш бўйича ички назоратни таъминлан учун қўлланиладиган асосий чоралар.

4. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молия-

лаштиришга қарши курашиш бўйича ички назоратни таъминлаш бўйича аудиторлик ташкилотларининг тасдиқланган ҳужжати номи ва санаси.

5. Аудиторлик ташкилотининг масъул шахс ва ходимининг доимий равишда қайта тайёргарликдан ўтказишларни амалга ошириш тўғрисидаги маълумот.

6. Махсус ваколатли давлат органига юборилган хабарлар сони.

Аудиторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қиргин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қодаларига
2-ИЛОВА

Мижоз ва унинг бенефициар мулкдорини идентификациялашда зарур бўлган МАЪЛУМОТ

Мижоз ва унинг бенефициар мулкдорини идентификациялашда зарур бўлган маълумотлар:

а) тўлик, шунингдек, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган бўлса, қисқартирилган номи;

б) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумот: сана, рақам, рўйхатга олувчи орган номи;

в) солиқ тўловчининг идентификация рақами;

г) жойлашган жойи (почта манзили);

д) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган бошқа маълумотлар;

е) лицензияланиши лозим бўлган фаолият турларини амалга ошириш учун мавжуд бўлган лицензиялар тўғрисида маълумотлар: фаолият тури, лицензиянинг рақами ва берилган санаси, ким томонидан берилганлиги, амал қилиш муддати;

ж) мижоз номидан иш кўрувчи жисмоний шахснинг идентификацияси тўғрисидаги маълумотлар;

з) мижознинг таъсисчилари (акциядорлари, иштирокчилари) ҳақидаги ҳамда уларнинг устав фонди (капитали)даги улушлари тўғрисидаги маълумотлар;

и) рўйхатга олинган ва тўланган устав фонди (капитали) миқдори тўғрисидаги маълумотлар;

к) мижознинг бошқарув органлари (юримдик шахснинг бошқарув органларининг тузилмаси ва шахсий таркиби) тўғрисидаги маълумотлар;

л) телефон рақамлари.

Аудиторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига
З-ИЛОВА

Мижоз сўровномасида кўрсатиладиган МАЪЛУМОТ

1. Мижозни идентификациялаш жараёнида олинган, Аудиторлик ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларининг 1-иловасида кўрсатилган маълумотлар.

2. Таваккалчилик даражаси ҳақида маълумот, шу жумладан, таваккалчиликни баҳолаш асослари.

3. Аудиторлик ташкилоти томонидан мижозни идентификациялашда амалга оширилган қўшимча чора-тадбирлар натижалари.

4. Мижоз билан муносабатлар ўрнатилган сана ва аудиторлик хизматлари кўрсатиш муддати давомийлиги.

5. Бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича хизматлар кўрсатишда Аудиторлик ташкилотлари ходими томонидан бажариладиган функциялар.

6. Бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича аудиторлик хизматлари нархи.

7. Мижознинг сўровномасига киритилган ўзгартиришлар ва тўлдириш санаси.

8. Исми-шарифи ва отасининг исми, лавозим, мижоз билан ишлаш учун масъул ходим алоқа телефонлари.

9. Қоғоз шаклида тўлдирилган мижоз сўровномасида ходимнинг имзоси (исми-шарифи, отасининг исми, лавозимини кўрсатган ҳолда) ва электрон шаклда тўлдирилган мижоз сўровномасида ходимнинг исми-шарифи ва отасининг исми, лавозими.

10. Ички қоидалар билан аниқланадиган бошқа маълумотлар.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Бош прокуратура
хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаментининг 2018 йил
14 ноябрдаги 145 ва 45-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Бош прокуратура хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 102, 42-сон «Аудиторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2035, 2009 йил 3 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 45-сон, 493-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Бош прокуратура хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2010 йил 26 майдаги 45, 15-сон «Аудиторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2035-1, 2010 йил 28 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 22-сон, 177-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Бош прокуратура хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2015 йил 13 апрелдаги 30, 11-сон «Аудиторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2035-2, 2015 йил 15 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 15-сон, 191-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

981 Спорт турлари бўйича ягона спорт таснифи тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 18 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2921-1

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»-ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 369-сон «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 4 июлдаги 3-мх-сон қарори (рўйхат рақами 2921, 2017 йил 28 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 35-сон, 935-модда) билан тасдиқланган Спорт турлари бўйича ягона спорт таснифи тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. НАБИЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 29 ноябрь,
26-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
жисмоний тарбия ва спорт вазирининг
2018 йил 29 ноябрдаги 26-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

Спорт турлари бўйича ягона спорт таснифи тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. Муқаддимадаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 мартдаги 148-сон «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 369-сон «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 18 декабрда эълон қилинган.

вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 10-банднинг «г» кичик бандида:

иккинчи ва тўртинчи хатбошилардаги «ва» деган сўз «ёки» деган сўз билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «3 нафар миллий тоифали спорт ҳаками» деган сўзлар «2 нафар халқаро тоифали ёки 2 нафар миллий тоифали спорт ҳаками» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 14, 20 ва 28-бандлардаги «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 15-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 21-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 26-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раисининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 30-бандда:

иккинчи хатбошидаги «спорт турларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари» ҳамда «Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» деган сўзлар тегишлича «спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар мактаблари» ва «Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги» деган сўзлар алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «спорт турларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари» деган сўзлар «спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар мактаблари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. Мазкур ўзгартиришлар Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши билан келишилган.

Мудофаа вазири

А. АЗИЗОВ

2018 йил 29 ноябрь

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

2018 йил 29 ноябрь

*Ўзбекистон Мудофаасига
кўмаклашувчи «Ватанпарвар»
ташкilotи Марказий
Кенгаши раиси*

Р. НИЯЗОВ

2018 йил 29 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

982 Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш, уларни спорт турлари реестрига киритиш ҳамда ушбу реестрни юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
18 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2923-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сон «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 369-сон «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 7 августдаги 5-мх-сон қарори (рўйхат рақами 2923, 2017 йил 29 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 35-сон, 939-модда) билан тасдиқланган Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш, уларни спорт турлари реестрига киритиш ҳамда ушбу реестрни юритиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. НАБИЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 29 ноябрь,
27-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 18 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
жисмоний тарбия ва спорт вазирининг
2018 йил 29 ноябрдаги 27-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини
эътироф этиш, уларни спорт турлари реестрига киритиш
ҳамда ушбу реестрни юритиш тартиби тўғрисидаги
низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 369-сон «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш, уларни спорт турлари реестрига киритиш ҳамда ушбу реестрни юритиш тартибини белгилайди.

2. 2-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш, уларни спорт турлари реестрига киритиш ҳамда ушбу реестрни юритиш Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (бундан буён матнда ваколатли орган деб юритилади) томонидан амалга оширилади.»

3. 10-банднинг «д» кичик банди олтинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитасига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши билан келишилган.

*Олий ва ўрта махсус
таълим вазири*

И. МАДЖИДОВ

2018 йил 29 ноябрь

Мудофаа вазири

А. АЗИЗОВ

2018 йил 29 ноябрь

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

2018 йил 29 ноябрь

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси*

Қ. РАФИКОВ

2018 йил 29 ноябрь

*Ўзбекистон Мудофаасига
кўмаклашувчи «Ватанпарвар»
ташкilotи Марказий
Кенгаши раиси*

Р. НИЯЗОВ

2018 йил 29 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

983 «Божхона расмийлаштирувини амалга оширишда мажбурий тартибда божхона экспертизаси ўтказиладиган товарлар рўйхатини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
18 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2787-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ–5582-сон «Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 18 апрелдаги 01-02/16-27-сон «Божхона расмийлаштирувини амалга оширишда мажбурий тартибда божхона экспертизаси ўтказиладиган товарлар рўйхатини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2787, 2016 йил 17 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 20-сон, 225-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 19 декабрда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 13 декабрь,
01-02/16-072-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**984 Табиий сув ҳавзалари маҳсулдорлигини оширишда
балиқлантириш меъёрлари ва технологиясини тас-
диқлаш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
20 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3103*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 апрелдаги ПҚ–3657-сон «Балиқчилик тармоғини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Табиий сув ҳавзалари маҳсулдорлигини оширишда балиқлантириш меъёрлари ва технологияси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

Вазир

Б. ЮСУПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 16 ноябрь,
54-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 21 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
қишлоқ хўжалиги вазирининг 2018 йил
16 ноябрдаги 54-сон буйруғига
ИЛОВА

**Табиий сув ҳавзалари
маҳсулдорлигини оширишда балиқлантириш
МЕЪЁРЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ**

Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 апрелдаги ПҚ–3657-сон «Балиқчилик тармоғини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ табиий сув ҳавзаларини балиқлантириш меъёрлари ва технологиясини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур ҳужжат талаблари табиий сув ҳавзаларида балиқ етиштириш билан шуғулланувчи юридик шахсларга нисбатан татбиқ этилади.
2. Мазкур Низомда чавоқ деганда балиқларни личинка давридан кейинги ривожланиш босқичи тушунилади.

**2-боб. Табиий сув ҳавзаларини балиқлантириш
меъёрлари ва технологияси**

3. Ҳар бир табиий сув ҳавзасининг биологик хусусиятидан келиб чиққан ҳолда табиий сув ҳавзаси тегишли ўсимликхўр балиқлар билан балиқлантирилади.

4. Табиий сув ҳавзаларида балиқ етиштириш бошланган вақтдан кейин 3 йил давомида ҳар йили 1 гектар сув ҳавзаси камида 50 дона ўсимликхўр балиқларнинг чавоқлари билан балиқлантирилиши лозим. Бунда ўсимликхўр балиқлар чавоқларининг оғирлиги 20 граммдан кам бўлмаслиги керак.

5. Табиий сув ҳавзаларининг қирғоқларида балиқ чавоқларини етиштириш учун чавоқ ҳовузлари ташкил этилиши мумкин. Бунда ҳар бир чавоқ ҳовузларининг майдони 0,5 гектардан кўп бўлмаслиги лозим.

6. Табиий сув ҳавзаларини балиқлантириш мақсадида сувга ташланадиган балиқ чавоқларининг сони ва оғирлиги қуйидагича аниқланади:

балиқ чавоқларини етиштирувчи ташкилотнинг тегишли мутахассиси ҳамда тегишли туман (шаҳар) ветеринария бўлимининг ихтиопатологи иштирокида ўлчаш сифмига ихтиёрий миқдордаги балиқ чавоқлари олинади;

сифимга олинган балиқ чавоқларининг табиий сув ҳавзасини балиқлантиришга яроқлилиги ҳамда касаллик аломатлари мавжуд ёки мавжуд эмаслиги аниқланади;

табиий сув ҳавзасини балиқлантиришга яроқли ҳамда касаллик аломат-

лари мавжуд эмас деб топилган балиқ чавоқларининг оғирлиги ўлчанади, уларнинг сони саналади, шунингдек ҳар бир балиқ чавоғининг вазни аниқланади.

7. Табиий сув ҳавзасини балиқлантиришга яроқли ҳамда касаллик аломатлари мавжуд эмас деб топилган балиқ чавоқларини ташиш тирик балиқ ташишга мўлжалланган махсус транспорт воситасида амалга оширилади.

Бунда, махсус елим халтанинг ҳажмидан келиб чиқиб учдан икки қисми балиқ чавоқлари яшаб турган сув билан тўлдирилади ва балиқ чавоқлари ташланади, шунингдек, халта герметик ҳолда қадоқланади. Герметик ҳолда қадоқланган халталар махсус транспорт воситасининг балиқларни ташишга мўлжалланган қисмига жойлаштирилади ва ташиш амалга оширилади.

8. Табиий сув ҳавзасига балиқ чавоқларини ташлашдан олдин табиий сув ҳавзасининг тегишли ҳудудида мелиоратив ишлар амалга оширилади. Бунда, табиий сув ҳавзасининг тегишли ҳудудидаги сув ўтлари ўриб ташланади.

9. Табиий сув ҳавзасининг тегишли ҳудудида мелиоратив ишлар Ўзбекистон Республикаси Экология ва аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳудудий бўлинмаларининг тегишли мутахассислари иштирокида амалга оширилади.

10. Махсус транспорт воситасида табиий сув ҳавзасига олиб келинган балиқ чавоқларини табиий сув ҳавзасига ташлашдан олдин махсус транспорт воситасидаги сувнинг ҳарорати ва табиий сув ҳавзаси сувининг ҳарорати ўлчаниши зарур.

11. Табиий сув ҳавзаси сувининг ҳарорати махсус транспорт воситасидаги сувнинг ҳароратидан 5 °С фарқ қилганда махсус транспорт воситасидаги сувнинг ҳарорати табиий сув ҳавзаси сувининг ҳароратига тенглаштирилиши лозим.

12. Махсус транспорт воситасидаги балиқ чавоқларини табиий сув ҳавзасига ташлаш табиий сув ҳавзасининг саёз бўлган қирғоғида амалга оширилади.

3-боб. Яқуний қоида

13. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Экология ва аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Давлат ветеринария қўмитаси, «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси, Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Сув хўжалиги вазири

Ш. ХАМРАЕВ

2018 йил 5 ноябрь

*Экология ва атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш давлат
қўмитаси раиси*

Б. ҚЎЧҚОРОВ

2018 йил 6 ноябрь

*Давлат ветеринария
қўмитаси раиси в. в. б.*

Б. НОРҚОБИЛОВ

2018 йил 8 ноябрь

*«Ипотека-банк» акциядорлик
тижорат ипотека банки раиси*

О. МУСАЕВ

2018 йил 1 ноябрь

*«Ўзбекбалиқсаноат»
уюшмаси раиси*

А. ЭРГАШЕВ

2018 йил 31 октябрь

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ИКРАМОВ

2018 йил 18 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

985 Республика илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий фаолиятни конструктор-технологик таъминлаш, илмий лаборатория ускуналарига хизмат кўрсатиш вазифалари юклатилган муҳандис-техник ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3104*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 июлдаги ПҚ–3876-сон «Фан ва олий таълим соҳаси ходимларининг меҳнат ҳақи миқдорини янада ошириш, илмий ва илмий-техник фаолият натижалари жорий этилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Республика илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий фаолиятни конструктор-технологик таъминлаш, илмий лаборатория ускуналарига хизмат кўрсатиш вазифалари юклатилган муҳандис-техник ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

И. АБДУРАХМАНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 10 декабрь,
442-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 22 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
инновацион ривожланиш вазирининг
2018 йил 10 декабрдаги 442-сон буйруғига
ИЛОВА

**Республика илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий
фаолиятни конструктор-технологик таъминлаш, илмий
лаборатория ускуналарига хизмат кўрсатиш вазифалари
юклатилган муҳандис-техник ходимларининг
базавий лавозим маошлари
МИҚДОРЛАРИ**

| Т/р | Лавозим номи | Базавий лавозим маошлари миқдорлари (сўм) | | | |
|-----|--|--|----------------------------------|----------------------------------|--------------------------------|
| | | 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб | 2018 йил 1 ноябрдан бошлаб | 2019 йил 1 январдан бошлаб | 2019 йил 1 июлдан бошлаб |
| 1. | Бош муҳандис | 2 220 000 | 2 442 000 | 2 930 400 | 3 663 000 |
| 2. | Бош конструктор, бош технолог | 1 970 000 | 2 167 000 | 2 600 400 | 3 250 500 |
| 3. | Етакчи муҳандис, етакчи конструктор, етакчи технолог | | | | |
| | тегишли фаолият соҳасида камида 5 йилдан кўп бўлган иш стажи мавжуд бўлганда | 1 680 000 | 1 848 000 | 2 217 600 | 2 772 000 |
| | тегишли фаолият соҳасида камида 2 йилдан 5 йилгача иш стажи мавжуд бўлганда | 1 580 000 | 1 738 000 | 2 085 600 | 2 607 000 |
| 4. | Олий маълумотли мутахассис- лар (муҳандислар, конструктор- лар, технологлар): | | | | |
| | тегишли фаолият соҳасида камида 5 йилдан кўп бўлган иш стажи мавжуд бўлганда | 1 150 000 | 1 265 000 | 1 518 000 | 1 897 500 |
| | тегишли фаолият соҳасида камида 2 йилдан 5 йилгача иш стажи мавжуд бўлганда | 1 080 000 | 1 188 000 | 1 425 600 | 1 782 000 |
| | тегишли фаолият соҳасида 2 йилдан кам иш стажи мавжуд бўлганда | 990 000 | 1 089 000 | 1 306 800 | 1 633 500 |
| 5. | Ўрта маълумотли мутахассислар (муҳандислар, конструкторлар, технологлар) | | | | |
| | тегишли фаолият соҳасида камида 5 йилдан кўп бўлган иш стажи мавжуд бўлганда | 970 000 | 1 067 000 | 1 280 400 | 1 600 500 |
| | тегишли фаолият соҳасида камида 2 йилдан 5 йилгача иш стажи мавжуд бўлганда | 910 000 | 1 001 000 | 1 201 200 | 1 501 500 |
| | тегишли фаолият соҳасида 2 йилдан кам иш стажи мавжуд бўлганда | 840 000 | 924 000 | 1 108 800 | 1 386 000 |

Мазкур базавий лавозим маошлари миқдорлари Ўзбекистон Республи-

каси Фанлар академияси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган.

Фанлар академияси президенти

Б. ЮЛДАШЕВ

2018 йил 10 декабрь

*Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири*

Ш. КУДБИЕВ

2018 йил 10 декабрь

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

2018 йил 10 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

986 Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3105*

Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ–3946-сон «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 22 декабрда эълон қилинган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 14 ноябрь,
144-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2018 йил 14 ноябрдаги
144-сон буйруғига
1-ИЛОВА

Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ–3946-сон «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ аудитор малака сертификатини (бундан буён матнда малака сертификати деб юритилади) бериш, қайта расмийлаштириш, бекор қилиш, амал қилишини узайтириш ва тугатиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги тушунчалар ишлатилади:

аудитор — малака сертификатига эга бўлган жисмоний шахс;

талабгор — малака сертификатини олишга талабгор бўлган жисмоний шахс;

малака имтиҳони — аудиторга қўйилган талабларга талабгорнинг мос келишини текширишга йўналтирилган, малака имтиҳони комиссияси томонидан ўтказиладиган имтиҳон;

малака сертификати — аудиторнинг малакасини тасдиқловчи ва аудиторлик ташкилоти номидан аудиторлик хизматлари кўрсатиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат;

халқаро бухгалтер сертификати — «Сертификатланган халқаро профессионал бухгалтер (СІРА)» ёки «Сертификатланган қасамёд қилган бухгалтер (АССА)» ёхуд «Сертификатланган жамоатчи бухгалтер (СРА)» сертификати.

2. Аудитор малака сертификатини олган йилнинг кейинги йилидан бошлаб ҳар йили 40 соатлик малака ошириш дастури бўйича малака ошириш курсларини ўтиши шарт.

3. Талабгор (аудитор) халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлганда

малака сертификатини олиш ва амал қилиш муддатини узайтириш малака имтиҳонини топширмасдан амалга оширилади.

2-боб. Талабгорга қўйиладиган малака талаблари

4. Малака имтиҳонини топшириш учун талабгор қўйидаги талаблардан бирига жавоб бериши керак:

олий маълумотга, олий таълим муассасини битирганидан сўнг охириги ўн йил ичида камида уч йиллик аудит ва бухгалтерия ҳисоби соҳасида ёхуд шу соҳаларда олий таълим муассасаларида дарс бериш бўйича амалий иш стажига (шу жумладан, ўриндошлик асосида) эга бўлиши;

«бухгалтерия ҳисоби» ва «аудит» мутахассисликлари бўйича магистр дипломига ва аудиторлик ташкилотида бир йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига (шу жумладан, ўриндошлик асосида) эга бўлиши;

фаннинг иқтисодий тармоқлари соҳасида илмий даражага эга бўлиши.

Бунда хорижий давлатларда олинган олий маълумот ёки илмий даража белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасидаги маълумотга эквивалент деб топилган тақдирда эътиборга олинади.

3-боб. Малака имтиҳонини топшириш тартиби

5. Малака имтиҳонини ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (бундан буён матнда Вазирлик деб юритилади) томонидан комиссия раисини ҳисобга олган ҳолда тўрт кишидан кам бўлмаган таркибда малака имтиҳони комиссияси ташкил қилинади.

Малака имтиҳони комиссияси таркибига Вазирлик ходимлари ва аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси вакиллари киритилади.

6. Малака имтиҳони комиссияси таркиби ҳар бир малака имтиҳони учун алоҳида тузилади ва доимий ҳисобланмайди.

7. Малака имтиҳони комиссияси қарорлари баённомалар билан расмийлаштирилади ва малака имтиҳони комиссияси раиси ҳамда барча аъзолари томонидан имзоланади.

8. Талабгор малака имтиҳонини топшириш учун қўйидаги ҳужжатларни Вазирликга тақдим этади:

а) мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш тўғрисидаги ариза;

б) паспорт нусхаси (чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун — яшаш учун гувоҳномасининг нусхаси);

в) олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг ёки илмий даражаси тўғрисидаги ҳужжатнинг ёхуд ваколатли давлат органининг хорижий таълим муассасасида олинган олий маълумот ёки илмий даражаси тўғрисидаги ҳужжатнинг нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) гувоҳномасининг нусхаси;

г) халқаро бухгалтер сертификати мавжуд бўлганда (нусхаси олиниб,

асли қайтарилади) ёхуд ушбу ҳужжатни берган муассаса томонидан тасдиқланган нусхаси;

д) меҳнат дафтарчасининг нусхаси (меҳнат стажини тасдиқловчи «Электрон меҳнат дафтарчаси» тизимидан кўчирма) (ўриндошлик бўйича меҳнат стажи мавжуд бўлган тақдирда бу ҳақда меҳнат дафтарчасига ёзув кирилган бўлиши лозим);

е) 3 x 4 ҳажмдаги 2 дона фотосурат;

ж) малака сертификатини олиш учун энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида йиғим тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжати нусхаси.

Талабгордан мазкур Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

9. Мазкур Низомнинг 8-бандида кўрсатилган ҳужжатлар талабгор томонидан Вазирликка шахсан, почта ёки электрон алоқа воситалари орқали уларнинг олинганлигини тасдиқловчи хабарнома билан бирга топширилади.

10. Вазирлик ариза тушган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида талабгорнинг малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш ёки рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

11. Вазирлик қуйидаги асосларга кўра малака имтиҳонини топширишга рухсат беришни рад этади:

а) талабгор мазкур Низомнинг 4-банди талабларига жавоб бермаганда;

б) мазкур Низомнинг 8-бандида кўрсатилган ҳужжатларни тўлиқ бўлмаган ҳолда тақдим этганда.

Бошқа асосларга кўра талабгорнинг малака имтиҳонини топширишни рад этишга йўл қўйилмайди.

12. Талабгорнинг малака имтиҳонини топшириши рад этилган тақдирда Вазирлик томонидан тегишли қарор қабул қилинади ва талабгорга рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда, қабул қилинган қарор ҳақида уч иш куни ичида ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилинади.

13. Малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш рад этилган талабгор рад этишга сабабчи бўлган камчиликларни бартараф этгандан кейингина қайта ариза бериши мумкин.

14. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширишига рухсат бериш юзасидан қарор қабул қилинганида у малака имтиҳонини топширишга рухсат берилган шахслар рўйхатига киритилади ва рўйхат малака имтиҳони бошланишидан олдин имтиҳон комиссиясига топширилади. Бунда малака имтиҳони гуруҳлар шаклланишига қараб, лекин ҳар чоракда камида бир маротаба ўтказилади.

15. Малака имтиҳонини ўтказиш тўғрисидаги маълумот, уни ўтказиш ҳақидаги қарор қабул қилинган кундан бошлаб икки кундан кечиктирмай Вазирликнинг ва аудиторлар республика жамоат бирлашмасининг веб-сайтларида жойлаштирилади.

16. Малака имтиҳонини топширишга рухсат берилган талабгорлар уни ўтказиш санаси, вақти ва жойи ҳақида малака имтиҳони ўтказиладиган

кундан камида ўн кун олдин почта ёки электрон алоқа воситалари орқали хабардор қилинади.

17. Малака имтиҳони комиссиясининг сони ва шахсий таркиби, шунингдек, иш регламенти Вазирлик томонидан тасдиқланади.

18. Малака имтиҳонини топширишда талабгорлар паспорт ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат, маълумоти ҳақидаги ҳужжат ва меҳнат дафтарчасининг асл нусхаларини тақдим этади, бундан меҳнат стажини тасдиқловчи «Электрон меҳнат дафтарчаси» тизимидан кўчирма тақдим этилган ҳоллар мустасно.

19. Талабгор паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатни, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, меҳнат дафтарчаси (бундан меҳнат стажини тасдиқловчи «Электрон меҳнат дафтарчаси» тизимидан кўчирма тақдим этилган ҳоллар мустасно) асл нусхаларини тақдим қилмаган ёхуд малака имтиҳонига кечиккан тақдирда малака имтиҳонига қўйилмайди ва малака имтиҳонига келмаган ҳисобланади.

Бунда талабгор навбатдаги малака имтиҳонидан ўтадиган талабгорлар рўйхатига киритилади.

20. Агарда талабгор Вазирликка ҳужжатларни топширган вақтдан бошлаб икки маротаба малака имтиҳонига келмаса, тақдим этилган ҳужжатлар унга қайтарилади. Бунда малака сертификатини олиш учун тўланган йиғим қайтариб берилмайди.

21. Талабгор томонидан ҳужжатларни қайта топшириш мазкур Низомнинг 8-бандида белгиланган тартибда амалга оширилади.

22. Малака имтиҳони тест синови усулида компьютер техникасидан фойдаланган ҳолда ўтказилади.

Малака имтиҳонининг шаффофлиги ва холислигини таъминлаш мақсадида малака имтиҳонини ўтказиш жараёни узлуксиз равишда видеоёзувга (овозли) туширилади.

23. Тест саволлари Вазирлик томонидан аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси билан биргаликда ишлаб чиқилади.

Тест саволларига киритилган фанлар бўйича мавзулар Вазирликнинг веб-сайтига жойлаштирилади.

Тест саволлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда янгилаб борилади.

24. Тест синови қуйидаги бўлимлар бўйича 80 та саволдан иборат бўлади:

молиявий ҳисоб — 26 та;

бошқарув ҳисоби ва молиявий таҳлил — 14 та;

аудит — 26 та;

солиқ солиш ва тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш — 14 та.

Талабгорга малака имтиҳонини топшириш учун тўрт соат вақт тақдим этилади.

Талабгорнинг тўғри жавоблар бўйича яқуний натижаси 75 фоиз ва ундан юқори кўрсаткични ташкил қилган бўлса, у малака имтиҳонини муваффақиятли топширган ҳисобланади.

25. Малака имтиҳонидан ўта олмаган талабгорга, беш иш куни ичида, тақдим этилган ҳужжатлари буюртма хати орқали қайтариб юборилади.

26. Малака имтиҳони ўтказилаётган пайтда қонун ҳужжатлари, йўриқнома материаллари, ахборотномалар ва махсус адабиётлардан, уяли телефондан (шу жумладан, калькулятор сифатида) фойдаланиш, бошқа талабгорлар билан мулоқот қилиш тақиқланади.

Ушбу талабларни бузган талабгорлар аудиториядан чиқариб юборилади ва малака имтиҳонидан ўтмаган деб ҳисобланади.

Ўзи билан бирга ичимлик суви, дори ва малака имтиҳонини топшириш учун зарур бўлган бошқа воситалар (кўзойнак, линзалар) бўлишига рухсат этилади. Талабгорнинг барча шахсий буюмлари, шу жумладан, уяли телефон (ўчирилган ҳолатда) махсус ажратилган жойда сақланади.

27. Бегона шахсларнинг тест синовлари ўтказилаётган хонага киритилишига йўл қўйилмайди.

28. Малака имтиҳонидан ўта олмаган талабгор, малака имтиҳонини топширган санадан камида бир ой ўтгандан сўнг малака имтиҳонини қайта топшириш учун ариза тақдим қилиши мумкин.

Малака имтиҳонини топшира олмаган талабгорларга йиғим қайтарилмайди.

29. Малака имтиҳони натижалари малака имтиҳони ўтказилган куни малака имтиҳони комиссиясининг баённомаси билан расмийлаштирилади.

30. Малака имтиҳони натижалари Вазирликнинг расмий веб-сайтида малака имтиҳони ўтказилганидан сўнг икки кундан кечикмай эълон қилинади.

31. Малака имтиҳони комиссиясининг баённомалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Вазирликда сақланади.

4-боб. Малака сертификатини расмийлаштириш ва бериш

32. Малака сертификати мутахассиснинг фотосурати ёпиштирилган махсус бланкда мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда расмийлаштирилади ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик кучга эга бўлади.

33. Малака сертификатининг бланкалари Вазирлик буюртманомасига кўра «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида босма усулда тайёрланади.

34. Малака сертификати Вазирлик томонидан малака имтиҳони комиссияси баённомалари олингандан кейин 10 кун муддатда расмийлаштирилади ва аудиторга ёки ишончнома асосида унинг вакилига аудиторлар реестрига имзо қўйилгач берилади.

35. Агар талабгор малака сертификати расмийлаштирилган кундан бошлаб уч ой давомида уни олишга келмаса ёки уни олишдан ёзма равишда ихтиёрий тартибда бош тортса, Вазирлик малака сертификатининг амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Бунда талабгор томонидан тўланган йиғим қайтарилмайди.

36. Малака сертификати дастлаб беш йиллик муддатга, талабгор малака имтиҳонини муваффақиятли топширганда, шунингдек, халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлган талабгорларга малака имтиҳонини топширмасдан берилади.

Дастлабки беш йиллик муддат тугагандан сўнг унинг амал қилиш муддатини навбатдаги ўн йилга узайтириш, аудитор малака имтиҳонини муваффақиятли топширганда ёки аудитор халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлганда малака имтиҳонини топширмасдан амалга оширилади.

Малака сертификатини кейинги муддатсиз даврга узайтириш аудитор малака имтиҳони муваффақиятли топширганда амалга оширилади.

Малака сертификатини кейинги муддатсиз даврга узайтириш, шунингдек, аудитор халқаро бухгалтер сертификатига ёки ўн йилдан кам бўлмаган узлуксиз аудитор иш стажи мавжуд бўлганда малака имтиҳонини топширмасдан амалга оширилади.

5-боб. Малака сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш, қайта расмийлаштириш ва дубликат бериш тартиби

37. Аудитор, малака сертификатининг амал қилиш муддати тугашидан 3 ой олдин, бироқ малака сертификатининг амал қилиш муддати тугашидан 6 ойдан кўп бўлмаган муддатда Вазирликка малака сертификатининг муддатини узайтириш тўғрисида мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ ариза билан мурожаат қилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

а) малака сертификатининг асл нусхаси;

б) малака ошириш курсларини тамомлаганлиги ҳақидаги гувоҳнома (нусхаси олиниб, асли қайтарилади) ёхуд ушбу ҳужжатни берган муассаса томонидан тасдиқланган нусхаси;

в) малака сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш учун энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдоридagi йиғим тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжати нусхаси;

г) халқаро бухгалтер сертификати мавжуд бўлганда (нусхаси олиниб, асли қайтарилади) ёхуд ушбу ҳужжатни берган муассаса томонидан тасдиқланган нусхаси;

д) меҳнат дафтарчасининг нусхаси (меҳнат стажини тасдиқловчи «Электрон меҳнат дафтарчаси» тизимидан кўчирма).

38. Малака сертификати муддатини узайтириш мазкур Низомнинг 36 ва 37-бандларида белгиланган талабларга риоя этилганда амалга оширилади.

Малака сертификатининг амал қилиш муддати малака сертификатининг бланкасида кўрсатилган амал қилиш муддати тугаган пайтдан бошлаб узайтирилади.

39. Аудитор малака сертификатининг амал қилиш муддатини узайти-

риш учун малака имтихонидан ўта олмаган тақдирда, малака сертификати-ни қайтадан бериш мазкур Низом асосида амалга оширилади.

40. Малака сертификатининг амал қилиш муддатининг узайтирилиши белгиланган тартибда мазкур малака сертификатининг бланкасида махсус белгини (ёзув) қайд этиш орқали амалга оширилади.

Малака сертификати бланкасида унинг муддатини узайтиришга тааллуқли тўлдирилмаган қаторлар мавжуд бўлмаган тақдирда, аудиторга аввалги рўйхатга олиш рақами қўйилган янги малака сертификати берилади. Илгари берилган малака сертификати бланкаси Вазирлик томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўқ қилинади.

41. Аудиторнинг фамилияси, исм-шарифи ўзгарган тақдирда, у тегишли ўзгартиришларни тасдиқловчи ҳужжатлар берилган санадан сўнг бир ой ичида Вазирликка мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда малака сертификатини қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза билан мурожаат қилади.

Бунда аризага қайта расмийлаштирилиши лозим бўлган малака сертификатининг асл нусхаси билан бирга иккита фотосурат (3 x 4 ҳажмдаги) ва тегишли ўзгаришларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинади.

Малака сертификатини қайта расмийлаштириш учун аудитордан энг кам иш ҳақининг 25 фоизи миқдоридида йиғим ундирилади.

42. Малака сертификатининг қайта расмийлаштирилиши аудитор томонидан ариза берилган пайтдан бошлаб беш иш кўни мобайнида амалга оширилади, бунда аввалги рақам ва илгари белгиланган амал қилиш муддати кўрсатилган малака сертификатининг янги бланкаси берилади, илгари берилган малака сертификат бланкаси Вазирлик томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўқ қилинади.

43. Йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келган малака сертификатининг ўрнига аудиторнинг мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда малака сертификатининг дубликатини бериш ҳақидаги аризасига кўра малака сертификатининг дубликати берилади.

44. Малака сертификатининг дубликатада унинг аввалги қайд этилган рақами ва илгари белгиланган амал қилиш муддати ёзилади, янги бланканинг юқоридаги бурчагида «Дубликат» ёзуви кўрсатилган бўлиши керак.

Яроқсиз ҳолга келган малака сертификати Вазирликка қайтарилиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўқ қилиниши лозим.

45. Дубликат беришда аудитордан энг кам иш ҳақининг 25 фоизи миқдоридида йиғим ундирилади.

6-боб. Малака сертификатининг амал қилишини тугатиш ва уни бекор қилиш тартиби

46. Малака сертификатининг амал қилишини тугатиш учун қуйидагилар асос бўлади:

аудиторнинг аризаси;

аудиторлик текшируви давомида аудитор олинган маълумотларни аудиторлик текшируви буюртмачисининг рухсатисиз учинчи шахсларга бериши, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

аудиторлик фаолиятини амалга ошираётганда қонун ҳужжатлари талабларини мунтазам ёки бир марта қўпол равишда бузганлик;

аудиторлик текшируви ўтказишда аниқланган, хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоби юритиш, шунингдек, молиявий ҳисоботни тузиш бўйича белгилаб қўйилган талабларни бузиш фактларининг аудитор томонидан яширилганлиги;

аудиторлик фаолиятида уч йил давомида иштирок этмаслик;

аудиторнинг малака сертификати бошқа шахсга топширилган бўлиб, мазкур шахс ушбу ҳужжатни аудиторлик фаолиятида иштирок этиш учун ўз номидан фойдаланиш мақсадида ишлатганлик фактининг аниқланганлиги;

суднинг муайян лавозимларни эгаллаш ёки молия-хўжалик муносабатлари соҳасида муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони назарда тутувчи ҳукмининг қонуний кучга кирганлиги;

фуқарони белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги суд қарори.

47. Аудиторлик фаолиятини амалга ошираётганда қуйидаги ҳолатлар қонун ҳужжатлари талабларини бир марта қўпол равишда бузиш деб топилади:

қасддан сохта аудиторлик ҳулосасини тузиш;

аудиторлик текширувини ўтказишдаги махфий ахборотни буюртмачининг рухсатисиз ошкор қилиш (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

аудиторлик текширувини ўтказишда аниқланган хўжалик юритувчи субъект томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш, шунингдек, молиявий ҳисоботни тузиш бўйича белгиланган талабларни бузиш фактларининг аудитор томонидан яширилиши;

малака сертификатини бошқа шахсга унинг ушбу ҳужжатдан ўз номидан аудиторлик фаолиятида иштирок этиш учун фойдаланиш мақсадида бериш фактининг аниқланиши;

аудиторнинг назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ўтказиладиган текширишларда аудиторлик ташкилоти ва ушбу органлар ўртасида шартнома тузмасдан мутахассис сифатида иштирок этиши;

аудиторнинг бир вақтнинг ўзида биттадан ортиқ аудиторлик ташкилотида аудиторлик фаолиятини амалга ошириши;

аудитор бир вақтнинг ўзида биттадан кўп аудиторлик ташкилотида муассис (иштирокчи) бўлиши фактининг аниқланиши;

ҳар йилги малака оширишдан ўтмаслик.

48. Малака сертификатининг амал қилиши уни тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан бошлаб тугатилади, мазкур банднинг иккинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолат бундан мустасно.

Аудиторлик ташкилоти лицензиясининг амал қилишини тугатишга сабаб бўлган қоидабузарликларга йўл қўйган аудиторлик ташкилоти раҳбарининг, шунингдек, аудиторнинг малака сертификати амал қилиши лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан эътиборан тугатилади.

49. Малака сертификати қўйидаги ҳолларда бекор қилинади:

Вазирликнинг малака сертификатини бериш тўғрисидаги қарори ноқонуний эканлиги аниқланганда;

малака сертификати сохта ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда.

50. Малака сертификатини бекор қилиш тўғрисидаги қарор малака сертификати берилган санадан бошлаб амал қилади.

51. Қонун ҳужжатларини бузганлик учун малака сертификати бекор қилинган ёки малака сертификатининг амал қилиши тугатилган аудиторлар, малака сертификати бекор қилинган ёхуд амал қилиши тугатилган санадан бошлаб уч йил мобайнида малака сертификатини такроран олиш учун мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эмас.

52. Малака сертификатини бекор қилиш ёки унинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

53. Малака сертификатини бекор қилиш ёки унинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори беш кунлик муддатда аудиторга ва ушбу аудитор хизмат кўрсатаётган аудиторлик ташкилотига юборилади.

54. Аудитор малака сертификатини бекор қилиш ёки амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарорни олган кундан бошлаб 10 кун мобайнида ўз малака сертификатини Вазирликка белгиланган тартибда йўқ қилиш учун қайтариши шарт.

55. Вазирликнинг малака сертификатининг амал қилишини тугатиш ёки уни бекор қилиш тўғрисидаги қарори устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

7-боб. Аудиторлар реестри

56. Вазирлик томонидан аудиторлар реестри юритилади ва унда қўйидаги маълумотлар қайд этилади:

малака сертификатини олиш санаси, олган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва имзоси;

жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР);

малака сертификатининг рақами, берилган санаси;

хар йили малака ошириш курсларидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумот;

ҳалқаро бухгалтер сертификатининг номи ва берилган санаси;

малака сертификатининг амал қилиш муддати узайтирилганлиги, амал қилиши тугатилганлиги, бекор қилинганлиги, қайта расмийлаштирилганлиги ҳамда дубликат берилганлиги тўғрисида маълумотлар.

57. Вазирликнинг веб-сайтида аудиторлар реестр билан танишиш учун очик бўлган маълумотлар жойлаштирилади ва унда қуйидагилар кўрсатилади:

аудиторнинг фамилияси, исми, отасининг исми;
малака сертификатининг рақами, берилган санаси;
малака сертификатининг амал қилиш муддати;
аудиторларнинг малака оширганлиги тўғрисидаги маълумот (йил якуни бўйича);

малака сертификатининг амал қилишини тугатиш, бекор қилиш ва дубликатини бериш тўғрисидаги маълумотлар.

8-боб. Якуний қоидалар

58. Мазкур Низомни бажариш жараёнида келиб чиқадиган низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

59. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

60. Мазкур Низом Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон аудиторлар палатаси билан келишилган.

*Ўзбекистон бухгалтерлар ва
аудиторлар миллий ассоциацияси
Кенгаши раиси*

М. ТУЛАХОДЖАЕВА

2018 йил 13 ноябрь

*Ўзбекистон аудиторлар
палатаси Кенгаши раиси*

Н. КАРИМОВ

2018 йил 13 ноябрь

Аудитор малака сертификатини бериш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлигига

_____ да
(яшаш манзили)

_____ да
ЯШОВЧИ _____

_____ ДАН
(ариза берувчи Ф.И.О.)

_____ да
(алока телефони)

_____ да
(электрон манзили)

АРИЗА

Менга аудитор малака сертификатини олиш/амал қилиш муддатини узайтириш учун* малака имтиҳонини топширишга, дубликат бериш/қайта расмийлаштиришга* рухсат беришингизни сўрайман.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____
5. _____

20__ йил «_____» _____

Шахсий имзо _____

* *Керакли сўзларнинг тагига чизинг.*

Аудитор малака сертификатини бериш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

НАМУНА

Ўзбекистон Республикасининг герби

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

АУДИТОРНИНГ МАЛАКА СЕРТИФИКАТИ

_____ -сон

Расм
учун жой

20__ йил «__» _____

Аудитор малака сertiфикати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан _____ га
(кимга — аудитор малака сertiфикатини олган шахснинг Ф.И.О.)

(жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами)

20__ йил «__» _____ даги малака имтихон комиссиясининг қарорига асосан аудитор малака сertiфикати 20__ йил «__» _____ дан 20__ йил «__» _____ гача муддатга берилди.

(ваколатли шахснинг Ф.И.О.)

(имзо)

М.Ў.

Аудитор малака сertiфикатининг амал қилиш муддати _____
20__ йил «__» _____ дан 20__ йил «__» _____ гача
узайтирилди.

(ваколатли шахснинг Ф.И.О.)

(имзо)

М.Ў.

Аудитор малака сertiфикатининг амал қилиш муддати _____
20__ йил «__» _____ дан _____ га узай-
тирилди.

(ваколатли шахснинг Ф.И.О.)

(имзо)

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2018 йил 14 ноябрдаги
144-сон буйруғига
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2000 йил 25 сентябрда 68-сон билан тасдиқланган Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 977, 2000 йил 13 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 19-сон, 37-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2004 йил 26 февралдаги 34-сон «Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 977-1, 2004 йил 19 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 16-сон, 190-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2005 йил 23 сентябрдаги 93-сон «Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 977-2, 2005 йил 18 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 41-42-сон, 323-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2007 йил 15 июндаги 65-сон «Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 977-3, 2007 йил 18 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 29-30-сон, 310-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 9 декабрдаги 112-сон «Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 977-4, 2008 йил 23 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 533-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2013 йил 13 августдаги 76-сон «Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 977-5, 2013 йил 27 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 35-сон, 472-модда).

7. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 17 майдаги 34-сон «Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 977-6, 2016 йил 6 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 23-сон, 271-модда).

8. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 8 августдаги

119-сон «Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 977-7, 2017 йил 15 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 1023-модда).

9. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 1 февралдаги 15-сон «Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 977-8, 2018 йил 27 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 9-сон, 158-модда).

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2018 йил 15 декабрдан 21 декабргача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2018 йил 14 ноябрдаги 145, 45-сон «Аудиторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 15 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3101.

2. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2018 йил 29 ноябрдаги 26-мх-сон «Спорт турлари бўйича ягона спорт таснифи тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 18 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2921-1.

3. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2018 йил 29 ноябрдаги 27-мх-сон «Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш, уларни спорт турлари реестрига киритиш ҳамда ушбу реестрни юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 18 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2923-1.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 13 декабрдаги 01-02/16-72-сон «Божхона расмийлаштирувини амалга оширишда мажбурий тартибда божхона экспертизаси ўтказиладиган товарлар рўйхатини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 18 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2787-1.

5. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2018 йил 16 ноябрдаги 54-сон «Табийий сув хавзалари маҳсулдорлигини оширишда баликлантириш меъёрлари ва технологиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 20 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3103.

6. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг 2018 йил 10 декабрдаги 442-сон «Республика илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий фаолиятни конструктор-технологик таъминлаш, илмий лаборатория ускуналарига хизмат кўрсатиш вазифалари юклатилган муҳандис-техник ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3104.

7. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 14 ноябрдаги 144-сон «Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3105.

II. Техник ҳужжат деб топилди:

1. Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг 2018 йил 12 ноябрдаги 352-сон «Сув билан таъминловчи корхоналар томонидан хизматлар кўрсатишдаги технологик сарф-харажатлар ва йўқотишларни ҳисоблаш методологияси (услуги) коидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

Адлия вазирлигининг 2018 йил 18 декабрдаги 6-15/3-20306/6-сон хати билан техник ҳужжат деб топилди.